



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САҢЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan e-mail: uzas@h2c.uz 2012-yil 13-iyul • №28 (4167)

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАНИ!

Муҳаммад Али,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати

АБДУРАҲИМ ТОШТАРОШНИНГ НАБИРАСИ

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан эълол қилинган Президент Фармонда машҳур тоштарош уста Тоир Раҳимовнинг "Эл-юрт дурмати" ордени билан тақдирланганини ўқиб мамнун бўлган эдим. Бунинг сабаби — Афғонистоннинг Деҳи Канор қишлоғида мавлоно Лутфий қабрига ўрнатилган мрамар ёдгорликини ясаган уста мана шу Тоир Раҳимов эди.

Худо назар қилган табаррук масканларимиздан бири Нурота, ундаги мўъжизавий Нур чашмаси зиёратига борарканмиз, ҳамроҳларим — Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилояти бўлими масъул котиби шоир Баҳриддин Садриддинов, Халқаро Амир Темур жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Рамазон Эгамовлар билан Нурота дostonчилик мактаби намояндalари ҳақидаги суҳбатимизда устанинг номи яна бир бор тилга олинди.

— Табаррук жойлар-да. Бу ердан машҳур саййидлар сулоласи чиққан, улар ислом маданиятига катта ҳисса қўшганлар... — деди Баҳриддин.
— Нурота каштачилик мактаби ҳам зўр! — давом эттирди Рамазон. — Қорақўлчилик анъаналари яхши сақланган.
— Нуротанинг деҳқончилик маданияти-чи? Ўзига хос, лalмикор бугдойи бор. Оққула

Ёзувчилар уюшмаси айланмаси билан

қовунларидан бир татиған одам яна қайтиб келади... — шоирона лутф қилди Баҳриддин.

— Меъморчилик тарихи эса қадимийдир. IX асрда бино бўлган "Чилистун", "Катта гумбаз"лар, Нур қалъасининг ўзи бунга гувоҳ, — деди Рамазон. — Умуман, бу ерда тоштарошлик санъатимиз, буни сулолавий санъат ҳам дейишadi, жуда машҳур. Мана, унинг эркин намояндаси уста Тоир Раҳимов... Ўзингиз ҳам кўрасиз.

Нуротада бизни шаҳар табиий-меъморий мажмуаси раҳбари Шавкат Исмоиловда кутиб олди, бирга зиёратгоҳларни айландик, музейга кирдик. Албатта, даставвал Нур чашмасини бориб кўрдик.

— Бу чашма бугун Ўзбекистон халқининг ардоқли гўшаси, — деди Шавкат ака. — Эрталаб

ки қуёш нурида чашма узра бамисоли кўзгуда акс этаётгандек гулгон ўйнаган бехисоб сержило нурларни томоша қилишга келаман. Улар шундай фусункорки, назар солган одамнинг кўнгли чоғ бўлиб, руҳи юксалади.

Чашма сувининг шаффоф ва тотлиғи, ҳароратининг қишин-ёзин бирдай ўн тўққиз ярим даражада иссиқ туриши, таркибида ўн олти хил шифобахш микроэлементлар мавжудлиги чиндан ҳам унинг табиат мўъжизаси эканини исботлайди. Чашмадан ҳар дақиқада 360-400 литр шаффоф сув қайнаб чиқиб туради.

Шайх Абул Ҳасан Нурий қабри устига ўрнатилган етти яхлит мрамар устунли айвонини уста Тоир Раҳимов тиклаган экан. Шаҳар меъморчилик манзарасига жуда муносиб бўлиб тушибди.

Чашма зиёратидан сўнг Фозгон шахрига отландик. Масофа йиғирма тўрт километр экан. Йўл-йўлақай Шавкат ака бизга Нурота, Шоҳимардон, Деҳбанд, Паштоп қўргони, Пироста мудофаа девори

ҳақида ҳикоялар сўзлади, оқ ва қулранг мрамари билан машҳур Фозгоннинг тарихини айтиб берди. Фозгон қонидан олинган мрамар плиталар сифати ва чиройли ранглари учун Парижда 2000 йилда бўлган халқаро кўргазмада Нурота мрамари Катта олтин медал билан тақдирланган экан.

— Фозгон мрамари яхши силликланади, ойнасимон акс беради, шуъла ҳам таратади, юқори даражада манзарали, — дейди Рамазон.

— Чикиндиси ҳам қуйма тош ва кумга айлангандирларкан. Қисқаси, нўшхўрди бўлмас экан, қони фойда... — сўз қўшади Баҳриддин. — Она тупроқ неъматидир...

Аллоҳ ўз бандаларига турли касбларни ато этади, у ҳеч қачон ҳеч қандай бандасини ўқситмайди ва камситмайди. Уларнинг барчасига салоҳият, истеъдод, ақл-заковат беради. Яратган қалбларга жойлаган мана шу салоҳияту заковатни намойен қилиш, имкониятдан фойдаланиб рўёбга чиқариш эса инсоннинг ўз қўлида. Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш, интилиш, ўқиш-ўрганиш лозим. Шу сабабдан кимдир юртга таниқли заргар бўлади, кимдир моҳир темирчи, кимдир қилқалам соҳибномига мушарраф расому кимдир беморларга шифо бергучи қўли энгил жарроҳ... Касбларнинг барчаси ҳам шарафли, улар инсон заковатини кўрсатиб берадиган нури даражалар...

Давоми иккинчи саҳифада.



Олтин бошоқларда эл ризиқи. Суратда: (чапдан) Тошкент вилояти, Бекобод туман Жумабозор қишлоғи фуқаролар йиғини раиси Ҳасанбой Жумабоев, "Истиқлол" фермер хўжалиғи иш бошқарувчиси Зоҳид Саидов, қомбайнчи Исроил Эшматов. Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ҲАЁТ ҚҶШИҒИ

Сигмас соҳилига суман Саратон,
Ердан кўкка қадар буюк бир дала.
Баҳмал амлоқидан дон териб, ҳар тонг
Осмон тандирига нон ёпар Фалак.

Нон учун оташга бош суқар Аёл,
Қайда фидойлик бор яна бунча?
Кўёш-қу Самарқанд нонига тимсол,
Ой — кенжа фарзандга аталган қулча.

Она Ўзбекистон маъволарига
Олтиндек товланар бугдой хирмони.
Бошоқ парвоз этар қуш тумшунига,
Тинмас чумоллар юкли қарвони.

Ҳар ёнда тўқинлик, қушойиш, кенглик,
Тангри аямади оби раҳматин.
Мулку дафинага эр-эгамонлик
Ўйотди деҳқоннинг мудроқ рағбатин.

Замона ҳикмати, фикр гавҳари:
«Аёл эғасига мулк ила ер бер,
Ўзи тўқу обод бўлгани сари
Юртини ҳам обод айлағай фермер».

Ў, бу қадим тупроқ! Бағрида яшар
Фарҳод тепагининг ярқироқ изи.
Асрлар қаърига тутғини кетар
Қайроқи бугдойнинг попуқ илдири.

...Сигмас соҳилига суман Саратон,
Ердан кўкка қадар буюк бир хаёл.
Тандирга қамондай эғилиб, ҳар тонг
Кўёшдек қирмизи нон узар Аёл!

Саъдулла ҲАКИМ

Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб» меҳмонхонасида Корея Республикаси Маданият ва туризм вазирлиғи ҳамда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиғи ҳамкорлигида Корея ва Марказий Осиё «Эртақчилик санъати» кўмитасининг V йиғилиши бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган ушбу нуфузли йиғилишда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги факултода ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиғи ўринбосари Баҳодир Аҳмедов, Корея ва Марказий Осиё «Эртақчилик санъати» кўмитаси президенти Ким Он Хо ҳамда кўмитанинг Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари бўйича вакиллари ва аъзолари иштирок этишди.

Унда халқимизнинг азал-азалдан юксак кадрлиб, таълим-тарбия жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган афсоналар, эртақ, ривоят, дoston, асо-тирларни излаб топиш, уларни бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда замонавий талқинда қайта тайёрлаш, шунингдек, ҳар битта давлатда мавжуд бўлган халқ оғзаки ижоди намуналарини саналган эпик асарларни тўплаш ва уларнинг асосий гоғларини сақлаган ҳолда бугунги авлод эътиборига

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ АСАРЛАРИ

миллатларни бир-бирига яқинлаштиради ва ўзаро бирдамликни таъминлайди



Широқ аёсонаси.

филм, радиоинсценировка, китоб ҳамда интернет-лавақа шаклида етказиш муаммолари ҳақида фикр алмашдилар.

Таъкидланишича, йил давомида кўмитага аъзо мамлакатларда қўлаб қадимий эртақлар аниқланиб, уларнинг замонавий сценарийлари яратилган. Ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, кейинги пайтда мазкур кўмита фаолиятига нафақат Корея ва Марказий Осиё давлатларида, балки Осиёнинг бошқа мамлакатлари ва Европада ҳам қизиқиш ортмоқда. Буни кўмита ташаббу-

си билан ҳар йили анъанавий равишда ўтказилаётган қадимий ривоят, аёсона ва эртақлар асосидаги сценарийларнинг халқаро танловига топширилаётган ижодий ишлар салмоғи ортиб бораётганида ҳам кузатиш мумкин. Мазлумотларга кўра, бу йил танловга Европанинг бир нечта мамлакатидан эртақлар сценарийлари тақдим этилган. Айрим давлатлар эса кўмитага аъзо бўлиш истагини билдирган.

— Кореянинг Кванжу шаҳридаги Марказий Осиё маданият маркази халқлар ўртасидаги тотувлик, бирдамликни мустаҳкамлаш, халқаро алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган, — дейди кўмита президенти Ким Он Хо. — Бу борадаги ишларни янада самарали давом эттириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Биламизки, Ўзбекистонда халқ оғзаки ижоди намуналари, миллий урф-одатлар ва қадриятлар доимо эътиборда бўлиб келган. Қадимий Буюк ипак йўлининг йирик марказларидан бири ҳисобланган Самарқанд эса тарихи жуда қадимий ва ўзига

хос урф-одатлар, эртагу ривоятларга бой. Шу боис галдаги йиғилишнинг ушбу аёсонавий шаҳарда ўтказилган. Бу қадимий шаҳарнинг ўзигагина хос тарихий обидалари, гўзал манзаралари ҳар биримизни эртақлар оламига етаклагандек бўлди. Замонавий бино ва иншоотлар эса бой тарих ва маданиятнинг бугунги ҳосиласи сифатида барча тарихни ҳайратлантирди. Ушбу шаҳар тарихи ва бугунги тимсоли гўёёки

Халқаро анжуман

кўмитамизнинг фаолияти мазмунини ифодалайди. Яъни, бизнинг мақсадимиз ҳам бой ўтмиш маданияти анъаналарини асраб-авайлаш ва ундан келажак авлоднинг баҳраманд бўлишига имконият яратиши.

Тадбир давомида кўмита аъзолари шу йилнинг ноябрь ойида аёсона ва ривоятлар, эртақлар асосида яратилган сценарийлардан иборат "Осиё эртақлари — 2012" танловини ўтказишга келишиб олдилар. Анжуман доирасида иштирокчилар Самарқанд шаҳридаги тарихий обид ва диққатга сазовор жойлар, таълим муассасалари ва зиё мақонларида бўлиб, халқимизнинг бой маънавий мероси билан яқиндан танишдилар.

Акрам ҲАЙДАРОВ

Кўргазма залларида

МОНТЕНЕГРО МАНЗАРАЛАРИ

Иброҳим Валихўжаев тасвирий санъатда ўз услубига эга мусаввирлардан биридир. Унинг ижод олами Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедов устахонасида шаклланди. Яқинда пойтахтимиздаги маданият ва санъат кўргазмасида очилган "Монтенегрода 21 кун" номли кўргазма И.Валихўжаевнинг муҳлисларга совғаси бўлди. Кўргазмада рассомнинг Черногорияга ижодий сафари давомида яратган қирқдан ортиқ рангтаъсир асарлари намойиш этилмоқда. Перастдаги кўнги-рок минораси, денгиз тўлқинлари, тун ва кун ёғдулари акс этган манзаралар томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. Ижодий сафари ҳақида рассом шундай деди:

— Монтенегродаги халқаро тадбирда Украина, Хорватия, Словения каби бир қатор мамлакатлардан ташриф буюрган рассомлар билан



денгиз бўйида ижод қилдик. Қадимий ёдгорликлар, тошдан қурилган антиқа бинолар, қалъалар ўзгача кўриниш касб этган. Бир томонда тоғлар, бир томонда денгизнинг шовуллаши менга катта илҳом бағишлади. Ижодий услубимга янги қолорит қўшилди. Бир кунда иккитадан асар ишладим. Рангларнинг ўзи қалбимга қўйилиб келаверди. Кўргазмадаги асарлар у ерда қўрганларимдан бир шингил холос. Келажакда яна бу мавзуга қайтиб, мукамал асарлар яратиш ниятидаман.

Рассомнинг баъзи асарлари қораламасиз, яъни бир нафасда чизилгандек тасаввур уйғотади. Лекин уларда мусаввирнинг истеъдоди ва маҳорати яққол намойен бўлиб турибди.

Сарвара ҚОСИМОВА

МИЛЛИЙ МЕЪМОРЛИК ДУРДОНАСИ

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри биноси Ўзбек миллий меъморлик санъати дурдоналаридан бири сифатида машҳур. Утган асрнинг 40-йилларида архитектор А. Шүсев лойиҳаси асосида қад кўтарган театр залларига Ўзбек миллий меъморчилиги анъаналарига монанд сайқал беришда юртимизнинг барча худудларига хос наққошлик ва ганчкорлик санъати услубларидан кенг фойдаланилган. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива залларининг ўймакорлик ва безак ишлари машҳур халқ усталари ва моҳир рассомлар томонидан бажарилгани ҳам шундан далолат беради.

Театр биноси муҳташам меъморий иншоотлардан бири сифатида ҳамон ўз маҳобати ва жозибаси билан пойтахтимиз марказига кўркамлик бахш этиб турибди. Юртимизга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар ва меҳмонлар саҳнага қўйилаётган замонавий ҳамда муштов опера ва балет асарларини томоша қилиш билан бирга миллий меъморчилигимизнинг ноб обидаси гўзаллигидан ҳам завқ оладилар.

Театр биноси ўтган олтинчи йилдан кўпроқ вақт мобайнида бир-икки марта жорий таъмирдан чиқарилган бўлса-да, тўқис капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмаган эди. Албатта, иқлимдаги кескин тафовутлар, зилзилалар таъсирида ҳар қандай меъморий иншоотнинг кўрқу жозибасига гўбор қишиши мумкин. Шу вақт ичида юз берган ўн бешдан ортиқ кучли зилзила иншоотнинг ташқи айвон ва устунларидаги мрамар безаклар, оғир қандиллар, ганч ўймакорлиги намуналарида ўз муҳрини қолдиргани сир эмас. Мрамар ва гранитдан сайқалланган айрим безактошларда ҳам ёриқлар ҳосил бўлган. Буларнинг ҳаммаси мазкур обидани замонавий меъморчилик ютуқлари асосида таъмирлашни кун тартибига қўйди. Ҳозир машҳур театр биносини таъмирлаш ишлари авжида. Санъаткорларнинг ўз ижодий ишларини давом эттириши



учун "Туркистон" саройида зарур шароитлар яратиб берилган.

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида журналистлар муҳташам санъат обидасини таъмирлаш жараёни билан яқиндан танишдилар. Таъмирлаш ишларини Кўкондаги "Резина оптимизация" масъулияти чекланган жамиятининг уч юздан ортиқ қўли гул хунармандлари амалга оширмоқда. Ёрдани пудрат ишларига "Ижод" хусусий корхонаси, "Энергомонтаж" ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар жалб этилган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи Равшанбек Мансуров таъмирлаш ишларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ахборот бериб, маъмурий-маиший хоналар, гримхоналар жойлашган бўлганининг пойдевор қисмини мустаҳкамлаш ишлари бажариб бўлинганини таъкидлади. Иншоотнинг ёритиш, иситиш ва совутиш, ёнғинга қарши хавфсизлик жиҳозлари ҳамда канализация ускуналари, саҳнага мўлжалланган янги теъжика ва механизмлар тўқис янгилашмоқда, томошабинлар ва ижодкорлар учун ҳам барча замонавий шароитлар яратилмоқда.

Қурувчилар, лойиҳачи меъморлар ва театр раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган кўндан-кўп саволларга жавоб бердилар. Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Турсунали Қўзиёв иштирок этди.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Эндигина эллика қадам қўйган Уста Тоирга тоштарошлик бобо касб. Қонида бор. Аждодлари бари тоштарош ўтган. Бобокалонлари Уста Мўмин, Уста Олим, Уста Ҳомид ўз вақтида эл ўртасида обрў-эътибор топган моҳир усталар бўлишган. Уста Тоир бобоси Абдурахим тоштарошнинг аччиқ қисмати алам билан ёдга олади. У ҳақида гапириб қолса, афсус-надоматдан анчага ўзинга келмайди. Бобоси (Абдурахим Турдиев, 1870—1940) — биринчи ўзбек ҳайкалтароши, Туркистонда машҳур меъмор ҳисобланарди. Урта Осиёда мрамарга ўйиб нақш ишлаганининг марказларида бири — Фозгонда туғилган, шу ерда истиқомат қилган. Мармардан, тошдан ажойиб ҳайкаллар ясаган. Юз йил аввал, 1912 йилда Бухоро амирининг Ситораи Моҳи Хоса саройи учун Фозгон мрамаридан иккита шер ҳайкалини ишлаган. Бу тоштарош санъатининг ноёб намунаси. Маҳобатли шерларни бугун ҳам бориб кўриш мумкин. Шу сарой ҳовузи учун Фозгон мрамаридан қилинган иккита нов ўзининг ажойиб нақшу безаклари билан кўрганларни ҳануз ҳайратга солади. Меъмор 1937 йилда Нурота жомеъ масжидининг бурж устунини ясаган ва меҳробини нақшлар солинган мрамар билан безаган. Кармандаги Султано-бод-Олчин боғини безашда, Ситораи Моҳи Хоса саройини қуришда, Бухоро ва Тошкентдаги катта бунёдкорлик ишларида қатнашган. Шохимардон мрамар масжиди, Деҳбалад қилшогидидаги масжидга оро бериш, безашда бош-қош бўлган. 1934 йилда ҳайкалтарош Фозгонда афсонавий жониворларнинг бошларига ўхшатиб икки мрамар нов ясаган. Бу новлардан оқиб кирган сув узунлиги ҳам, эни ҳам ўн беш метрли ҳовузни оби-ҳаёт билан таъминлаб турган. Биз Фозгон маданият уйи ҳовлисида бу ажойиб санъат асарини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Абдурахим тоштарош кўплаб мрамар йўнучи ва ўйиб нақш ишловчи шогирдлар тарбиялаган. Унинг мармардан йўнуб, нақшлаб ишланган лаганлари, уй-рўзгор буюмлари, турли ҳайкаллари Зарафшон водийсида машҳур эди, ҳамма қидириб юрарди. Афсуски, 1937 йилда ҳаммадан бо-шига тўшган дахшатли қатгон тўфони маданиятимиз, санъатимиз гулларини қовжиратиб кетди. Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон ва бошқа арбобларимизнинг умрларида зомин бўлди, ҳаёт шамларини бевақт сўндирди. Биринчи ўзбек ҳайкалтароши Абдурахим Турдиев ҳам шундай қисматга учради (у "халқ душмани" Файзулла Хўжаевнинг мармардан ҳайкалини ясаган эди). Ҳўсга олинган ҳайкалтарош 1937 (айрим манбаларда 1940 дейилади) йилда Россия томонларда фарбиликда оламдан ўтди...

Бу нарса машҳур ҳайкалтарошнинг ўғли, уста Тоирнинг отаси бўлган Аҳмад ақанинг кўнглида оғир тошдай қўйиб қолди. Ҳамма бало-офат мармар тўфайли, отасининг ҳайкалтарош бўлгани тўфайли юз берди, ҳамма-сига мана шу тош йўниш сабабчи, деб

қаттиқ ишониб қолган Аҳмад ака, ўзи истаб турса ҳам, кўнглига бир муш-лаб, ҳайкалтарошлик, тоштарошлик касбидан йироқ бўлишга ҳаракат қилди, мулақо бошқа — беозор бухгалтерлик касбини танлади. Аҳмад ака ўзи ота касбини тарк этгани ет-



Уста Тоир Раҳимов

Тоиржон энди ҳеч кимга кўрсатмай, эҳтиёкорлик билан иш кўра бошлади. У мармартошдан узук, юрак, кўзун-чоқ, маржонлар ясар, чиройли чиққанларини пинҳона маҳалланинг ўзи ёқтирган энг чиройли қизларига совға қиларди. Совға олган қизларнинг юзидagi гўзал табассумни кўриб, яна илҳомланиб ишга киришиб кетарди.

Нуротадаги ҳунар-техника билим юртини тугатган Тоиржонда бобокасонга бўлган иштиёқнинг кундан-кун кучайиб бораётганини кўрган Аҳмад ака энди боласидаги тоштарошликка бўлган меҳрини ҳеч нарса билан қайтара олмаслигини, меъморлик касби унинг манғалаида битилганини ич-ичидан туйди ва дуо қилди:

— Балли, ўғлим! Бу касбнинг устаси бўл! Мен-ку бошқа йўлни танладим. Худо хоҳласа, сендан чиқади.

Уста Тоир Раҳимов кўнглида оғир тошдай қўйиб қолди. Ҳамма бало-офат мармар тўфайли, отасининг ҳайкалтарош бўлгани тўфайли юз берди, ҳамма-сига мана шу тош йўниш сабабчи, деб

АБДУРАҲИМ ТОШТАРОШНИНГ НАБИРАСИ

ҳовлига кирдик. Уйи тўла одам экан. Маълум бўлишича, маҳалладошлари Уста Тоирни юксак мукофот билан қўлашга келишибди. Ҳамма хурсанд. Уста Тоир жуда ҳушчақчақ, самимий инсон экан, икки гапириб бир қулади. Унинг кайфиятини тушуниш мумкин. Гурунг ҳам мароқли тус олди. Сўхбатимиз ўз-ўзидан қовушиб кетди.

Танглайи "мармар билан кўтарилган" (бу гапни Фозгонда туғилган барча болаларга нисбат бериш мумкин) Тоиржон болалигидан мармар қиртиш-лашни яхши кўрарди. Бу ерда ҳамма болаларда ҳам шундай ҳавас бўларди, дейиш балки ўринли. Шезъ ёзмаган одам йўк, деганларидай, Фозгонда мармар қиртишлаганда бола йўк. Лекин ҳамма ҳам шоир бўлавермагани каби Фозгонда ҳам ҳаммадан тоштарош қилавермайди. Ишқ бошқа, ҳавас бошқа.

Тоиржоннинг қизиқиши ҳавасга ўхшамасди. У мармар тошлардан кичикларини танлаб аллақандай буюмлар ясашни ўрганарди. Бир кун, унда Тоиржон ўн ёшга кирган-ди, кичкина тошдан юрак шайлини ясамоқчи бўлиб уриниб ётган эди, ишдан қайтаётган отаси Аҳмад ака кўриб қолди:

— Қани, бери кел-чи! — деди қовоғини уйиб. — Хў-ўш... Мармарга яқинлашмагин, демабдимми? Гапим эсингдан чиқдимми? Мана шуни деб отамдан айрилдим, тушундингми? Йигирма бир ёшдалигимда отамдан айрилганимча бошқа кўрмадим! Энди...

Тоиржон жавоб бермай, индамай ерга қараб тураверди.

— Қулоғингга қўйиб ол, сен бола! Иккинчи яқинлашма дедим! Яқинлашма-а-а!..

Аҳмад ака: "Буёққа бер!" деди-да, Тоиржоннинг қўлидан хали юрак шаклига кирмаган тошни олиб, узоққа отиб юборди ва уй томонга йўналди.

Шундай қилсанг, боболаримизнинг, бебаҳт бобонинг руҳларини ҳам шод этган бўласан! Олгини олдирма!

Тоиржон отасини маҳкам қучоқлаб олди, қувончдан ўзини қайга қўйишни билмасди.

— Юр буёққа! Иш бор... Аҳмад ака ўғлини етаклаб элда номи чиққан тоштарош Ямин Саидовнинг уйига олиб келди:

— Ўғлимни шогирдликка ол! Тажрибагни ўргат! — деди дўстига. — Ундан яхши тоштарош чиқади, иншоол! Эти сенки, сўяги менки!

— Ўзим ҳам қузатиб юрардим, — жилмайди Ямин Саидов. — Бўладиган бола бошидан билинади-да. Илоҳо, эти ҳам ўзингга бўлсин, сўяги ҳам, дўстим! Қўлимдан келганча, тоштарошлик сирларини ўргатаман. Хали мендан ҳам ўтадиган тоштарош бўлади бу!

Тоиржон илгарилари Уста Ямин ишлаган вақтларда секин келиб томоша қилар, устанинг болға, темир чизғич, тошқалам, тоштеша, олмос арралари унинг ҳавасини келтирарди. Айниқса, мармарни ёғдай кеса-диган олмос арра унга ёқарди. (Дарвоқе, ақаси Олим Раҳимов ана шундай олмос арраларни тайёрлагувчи номдор уста, ундан хали энг зўрини ўзига ясади бўлади). Уста бу асбобларнинг бирини кўйиб бирини олар, моҳирона ишларди. "Менда ҳам бир кун бу асбоблар бўлади!", дерди ичда ишонч билан.

Тоиржон ўзи севган касб сирларини қаттиқ ўрганишга киришди. 1988 йилда биринчи устахонасини очди. Даставвал Фозгонда Шохимардон масжидида, Деҳбалада, Нуротанинг осори атиқаларидаги катта-кичик безак ишларида қатнашиб юрди. У улғу-

сиймоларини мақбараларидаги даврлар ўйиб нурсизланган, ёзувлари ўчиб кетаётган қабр тошларни, нақшинкор устунларни худди ўзидай қилиб Фозгон мрамаридан ясаб тиклар ва ўрнатар эди. 2006 йилда "Фозгон мрамари" акциядорлик жамияти яқна тадбиркорга алоҳида жой ажратди, хар томонлама ҳомийлик қила бошлади.

Уста Тоир бобоси Абдурахим тоштарошнинг ҳамма ишларини сўраб-суриштирар, улардаги маҳорату тиниклигини, мутаносиблигини, безаклардаги яхлит мазмун — композиция ташкил этган нақшларни кўриб ҳайратланарди. Абдурахим тоштарош 1911 йилда кўп ишлар қатори Карманда Қосим шайх хонақоси пештоқидаги мармарга Бухоро амири Абдулаҳадга атаб ёзилган марсияни ҳам ўйиб ёзган экан. Уста Тоир кичиклигиданқоқ, мен ҳам ўша форса марсиянинг ўзбекча таржимасини бобомга ўхшатиб шу ерга ёзиб қўйсам, деб

орзу қиларди. У асосий фаолиятини 2002 йилда ўша орзусини амалга оширишдан бошлади: мазкур

Фижувоний, Мир Сайид кулол, Хожа Исмаил Бухорий мажмуаларида, Навоий шахрининг Хотира майдонида хар хил ёдгорликлар, устунлар ва безак ишларини амалга оширди.

— Мармарнинг хили кўп, монолити, қўймаси бўлади, — дейди Уста Тоир. — "Фозгон камалаги" тўққиз хилдан иборат. Реставрация учун бир хили ишлатилади, мақбаралар учун эса бошқаси, Бироқ кондан хамиша ҳам керакли ҳажмидаги тош чиқармайди. Гоҳида тўрт тонна, гоҳида бир тонна ёки ундан ҳам кам чиқади. Ҳазрати Баҳоуддин қабрига 3.5 тонналик тош керак эди, биринчи уринишдаёқ худди йўл бериб, шундай тош чиқиб турибди-ку! Буюқ фарзандини шарафлаш учун она ер ўз бағридан неъматини осонгина ажратиб берди-я! Бу улғуларнинг шарофатидир.

2004 йилда Уста Тоирнинг фидокорона меҳнатлари Президентимиз фармонида кўра "Шухрат" медалига лойиқ қўрилди.

Уста Тоир уч ой Термиздаги "Термиз ота" деган ном билан машҳур, Соҳибқирон Амир Темур юртдан сафарга кетаётганда ҳам, қайтаётганда ҳам тавоф этиб ўтадиган табаррук зот Ҳаким ат-Термизий мақбарасида бир пайтлар Халил Султон Мирзо тарафидан ўрнатилган, даврларнинг чанг-ғубори кўнган сағана тошини янгилаб тайёрлаш ишлари билан шуғулланиди.

— Қийин бўлмади? — сўрайди Баҳриддин. — Бир оверполик ўтган аср

мизни йўқотганда, диёнатиимиз ўз-ўзи ила албатта йўқолур".

Ушбу мисоллар олимнинг ўз давридаги муҳим сиёсий, иجتимоий ва маданий муаммолар билан ҳамнафас яшаганини, эл-юрт тақдирига фал тасвири кўрсатажак масалаларга бефарқ қарамаганини, улар-

нинг тўғри ва холис ечими учун камарбаста бўлишга интилангани кўрсатади.

Улкан сиймо ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотларни зарра-зарра йиғиб бизга тўхфа этган Фарҳод Ализоданинг ушбу китоби узок ва машаққатли изланишлар самарасидир. Изчил изланишларнинг салмоқли якуни сифатида бу нашр маданиятимиз тарихи раванқига қўшилган муносиб хисса бўлди, дейиш мумкин. Фарҳод Ализода излаб топган, тўплаган маълумотлар асосида С.Ализода қаламига мансуб асарларни, мақола ва китобларини жамлаб тадқиқ, таҳлил этиб, халқ мулкига айлан-тириш галдаги вазифалардан. Исмоил Фаспирали, Валидий Тўғон, Бехбудий, Маржоний каби закий, ватанпарвар, миллатпарвар зотлар билан маслаҳат, номи улар қаторида тур-ришга муносиб юртдошимиз Сайид Ризо Ализода номини тиклаш имкони Муस्ताқиллик тўфайлига юзага келганини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Тарих ва тақдир

Оташин маърифатпарварнинг элпарвар, ватанпарвар сифатидаги фидойилигини таъкидлаш учун айрим мақола-ларидан кичик иқти-бослар келтириш ўринли бўлар.

"Меҳнаткашлар шуни яхши билиш-лари кераки, буридан чўпон чиқмай-ди", деб ёзади у Самарқанддаги шўро ҳокимиятининг дастлабки қадамлари хусусидаги "Шаҳар шўроси сайлови муносабати билан" мақоласида. Бу шўроларнинг гаразли максаси остига яширинган истибоднинг теран идрок этилгани натижадаси эди. "Ойна" журналининг 1914 йилги сонларидан бирида эълон қилинган "Хар миллат ўз тили ила фахр қилур" мақоласида С.Ализода шундай деб ёзган эди: "Замона-мизда энг муҳим маса-лалардан бири тил ма-риасидир. Хушёр миллатлар бунинг аҳамиятини барча маса-лалардан ортиқ қўядилар... Агар-да тил ва адабиётимизни муҳо-фаза қилмай, анча ажнабий лу-ғат ва сўзларни қўша берсак, бироз замонда тил ва миллати-

дўконми, ишқилиб, бу мавзёга ному-носиб бинолар пайдо бўлади. У пай-ларда замон эгаларидан хар нарса-ни кутиш мумкин эди. Йўқ эса, буюқ бобомиз Соҳибқирон Амир Темур қаб-рини очиш мумкинми, ахир! Кар-мандаги Қосим шайх хонақосини ҳам тракторхона қилиб қўйишгани, Қаршидаги Одина масжидини қамқо-хонага айлантиришганига нима дей-сиз! Хайриятки, мустақиллигимиз тўфайли бундай камсити-лиш, ҳақоратланишларга барҳам берилди. Энди, худого барҳам, боболаримизни улуғлаймиз, қадамжоларини орасталаймиз, зиёратгоҳларини обод қиламиз...

— Ҳа, бари мустақиллигимиз шарофати! — дедим унинг сўзларини маъқуллаб.

Уста Тоир эски лойиҳага кўра машҳур Шайх Хованди Тоҳур мақба-расида узунлиги икки метр, эни бир метру йигирма, баланглиги олтиш сантимерт бўлган, безаклар солинган мармартошни тиклаб қўра устига ўрнатди.

Яқна тадбиркор Уста Тоир Раҳимов-га Маданият ва спорт ишлари вазири-лиги, ҳокимликлар ва бошқа жамоат ташкилотларидан бюртмалар туша бошлади. Самарқандда Амир Темур жомеъ масжиди буржи, Шохизиндада кўп мақбара тошлари, устунлари, Сур-хондарада Вахшурда машҳур шоир Сўфи Оллоёвнинг қабр тоши, Бухоро-даги барча ёдгорликларда, жумладан, Хожа Бобойи Самосий, Абдуҳолик

Фижувоний, Мир Сайид кулол, Хожа Исмаил Бухорий мажмуаларида, Навоий шахрининг Хотира майдонида хар хил ёдгорликлар, устунлар ва безак ишларини амалга оширди.

— Мармарнинг хили кўп, монолити, қўймаси бўлади, — дейди Уста Тоир. — "Фозгон камалаги" тўққиз хилдан иборат. Реставрация учун бир хили ишлатилади, мақбаралар учун эса бошқаси, Бироқ кондан хамиша ҳам керакли ҳажмидаги тош чиқармайди. Гоҳида тўрт тонна, гоҳида бир тонна ёки ундан ҳам кам чиқади. Ҳазрати Баҳоуддин қабрига 3.5 тонналик тош керак эди, биринчи уринишдаёқ худди йўл бериб, шундай тош чиқиб турибди-ку! Буюқ фарзандини шарафлаш учун она ер ўз бағридан неъматини осонгина ажратиб берди-я! Бу улғуларнинг шарофатидир.

2004 йилда Уста Тоирнинг фидокорона меҳнатлари Президентимиз фармонида кўра "Шухрат" медалига лойиқ қўрилди.

Уста Тоир уч ой Термиздаги "Термиз ота" деган ном билан машҳур, Соҳибқирон Амир Темур юртдан сафарга кетаётганда ҳам, қайтаётганда ҳам тавоф этиб ўтадиган табаррук зот Ҳаким ат-Термизий мақбарасида бир пайтлар Халил Султон Мирзо тарафидан ўрнатилган, даврларнинг чанг-ғубори кўнган сағана тошини янгилаб тайёрлаш ишлари билан шуғулланиди.

— Қийин бўлмади? — сўрайди Баҳриддин. — Бир оверполик ўтган аср

бошида кўргани келиб, махлиё бўлиб қабртошнинг бир четини яширинча ушатиб олиб кетган, деб эшитгандам...

— Ҳа, айтганингиздай, кўрдим, сағананинг бир чети ушалган, лат еган экан... Худонинг қудратини қарангки, кейин Фозгонда оппоқ мармар тошга сайқал бериб, ёзувларини ўрни-ўрнига қўйиб, олиб бориб жойлаш-тирганнимизда, ўша ушатилган ер янги оқ қабртошда ҳам қорай-иброқ ажралиб турса бўлади-ми! Ё, тавба! Бу сир-синоатни англашдан оқизман... Ҳеч қим ҳам англай ололмас керак. Шундоқ сир-да... — Уста Тоир жилмайди. — Даставвал муборак зиёратгоҳга қабр-тош андозасини олиш учун борган кунимни эслайман-да. Очик айтсам, илк кўрганимда маҳобати босди! "Агар бу иш қўлимдан келмаса-чи, унда нима қиламан, эй парвардгор!". — дейман ичимда ўзимга ўзим. Хайрият, худо йўл берди, ўзи қўллаб куч-қувват ато этди... Терми-зда кирк беш кун тинмай ишда маш-ғул бўлдим, шундай завқ билан иш-ладимки, уйку нималигини билма-дим, кунлар қандай ўтганини ҳам сез-мадим. Ажабо, ҳеч чарчамайман ҳам... Узунлиги 3,65, эни 1,20 сан-тиметр ўлчамда қабр тошни ўрнат-дим. У ерда бунёдкорлар кўп эди, ке-чаю кундуз иш тингани йўқ...

— Матларни ўзингиз ўқийсизми? — сўради Рамазон.

— Ўзим ҳам ўқийман, аммо мендан билимдонроқ одамларга сўяманан, уларнинг маслаҳатларини оламан. Ўз вазифамни эсдан чиқармайман — мен-нинг ишим тайёр матларни бехато мармартошга тушириш...

Уста Тоир бухорилиқ моҳир ҳаттот ва тоштарош Абдулафур Раззоқ Бухорий ва ЎзРФАнинг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик инсти-тути ходимлари билан ҳамкорликда аввало сағаналардаги қўна матларни, зер-забарларни яхши текшириб, назоратдан ўтказди, матн аниқ бўлгандан кейингина, ишга киришди.

— Хайкалтарошлиқда "киргизма" (уйиқ), "чиқарма" (бўртиқ) усуллари бор... — дейди Уста Тоир. — Биринчи-сида ёзувлар мармарга, тошга ўйиб ёзилади, иккинчисида мармардан бўрттириб чиқарилади. Қадимда ота-боболаримиз асосан "чиқарма" усули-да ижод қилганлар. Унда харфлар мар-мардан "ирғиб", "бўртиб" чиқиб кўга ташланади. Уйиқ, "киргизма" усул, шўролар даврида пайдо бўлди. Бу нис-батан осон усул. Мейндинг асосий йўли-ми, бундай эмас, балки ўтмишда утган буюқ устозлар тутган йўл — "чиқарма" усули. Шу усулда ижод қиламан.

Уста Тоирнинг шогирдлари кўп. Ал-батта, энг биринчи шогирди бу унинг ўғли — Рафиқжон Раҳимовдир.

Рафиқжон дунёга кўз очганда, бо-бокалони Абдурахим Турдиев элга машҳур биринчи ўзбек ҳайкалтароши бўлиб ўтганлигини, отаси Уста Тоир доврўги мамлакатга ёйилиб бораёт-ган тоштарош шухратиға эга эканли-гини, турилган жойи эса, анов-манов жой эмас, нақ мармарнинг қони бўлган — Фозгонлигини кўрди! У дун-ёни мана шу тарзда таниди. Бу та-ниш унинг тақдирини ҳам белгилаб берди: у бешак-шубҳа аждодлар кас-бини танлайди, уларнинг қулғу иш-ларини давом этдиради!

Уста Тоирнинг шогирдлари кўп. Ал-батта, энг биринчи шогирди бу унинг ўғли — Рафиқжон Раҳимовдир.

Рафиқжон дунёга кўз очганда, бо-бокалони Абдурахим Турдиев элга машҳур биринчи ўзбек ҳайкалтароши бўлиб ўтганлигини, отаси Уста Тоир доврўги мамлакатга ёйилиб бораёт-ган тоштарош шухратиға эга эканли-гини, турилган жойи эса, анов-манов жой эмас, нақ мармарнинг қони бўлган — Фозгонлигини кўрди! У дун-ёни мана шу тарзда таниди. Бу та-ниш унинг тақдирини ҳам белгилаб берди: у бешак-шубҳа аждодлар кас-бини танлайди, уларнинг қулғу иш-ларини давом этдиради!

Маданий ҳаёт

Наманган шаҳар Бобур номидаги маданият ва истирохат боғида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб "Халқ томоша санъати ва миллий ўйинлари" кўрик-фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрда қабул қилинган "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улар-дан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўтказилган ушбу фестивалда халқ томоша санъати ва миллий ўйинлари усталари, лапарқилар, аскиячи ва қизиқчи-лар, рақс ва катта ашула ижрочилари ўз маҳоратини намойиш этди. Миллий халқ ўйинлари бўйича Наманган ва Норин туманлари жа-моалари, дорбозлик ва цирк санъати соҳасида Қосонсой тумани ҳамда вилоят маданият саройи қозидаги гуруҳлар голиб деб топилди. Шу-нингдек, Наманган шаҳридаги «Ер-ёр», Поп туманининг «Ҳазратибоб» фольклор-этнографик ансамбллари, «Шўх қизлар», "Гулдаста", "Оль-вализор гуллари" ансамбллари, қосонсойлик Қодирбек Абдуқодиров, Хайрулло ва Ҳанифахон Мирзаевлар, чортоқлик Ёқубжон Юсуфбоев ўз йўналишлари бўйича юқори ўринларни кўлга киритди.

Ҳазрати Бобур фестивали республика босқичида иштирок этади.

А.САТТОВ, ЎЗА мухбири

Тарихда улуг зотлар кўп ўтган. Шу жумладан, биз-нинг Ўзбекистон тарихида ҳам. Олис мозийгина эмас, XX асрда ҳам бунга мисол бисёр. Фарҳод Ализода-нинг "Сайид Ризо Ализода" (Тошкент, "Абу Matbuot-Consalt", 2011) номли китобини ўқиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

XX аср аввалидан, хусусан, иккинчи жаҳон урушига Са-марқандда яшаб ижод этган юртдошимиз Сайид Ризо Али-зоданинг ким бўлганини жум-хуриятимиздаги илм ва мао-риф аҳли муайян даражада би-лади. Лекин ўтган аср бошидан 40-йилларгача юртимизнинг янги йўналишдаги маърифат сарчашмаларида турган, ватан-парварлиги боис қатагонга уч-раган бу зотнинг ўзи ва фао-лияти ҳақида кўпчилик атроф-лича маълумотга эга эмас.

Фарҳод Ализода икки оз са-ҳифадан ортиқ "Сайид Ризо Ализода" деб номланган кито-бини тайёрлаш жараёнида зар-ур маълумотларни мисқоллаб йиғиш учун кўп йиллар мобай-нида машаққатлар чекиб излан-ган, Тошкент, Самарқанд, Боку, Санкт-Петербург, Владимир шаҳридаги архивларда иш олиб борган, Эрон, Афғонис-тон, Покистон ва Россиядаги олимлар билан сўхбатлашган.

Бу маълумотлар тўфайли кўз олдимизда бир неча Шарқ ва Фарб халқлари тилларини бил-ган, уларда китоб ва мақолалар ёзган, газета, журналлар ташкил этган, юрт ёшлирининг тараққи-ётган амаллаёт фарзандлари даражасига кўтарилиши учун амалий фаолият олиб борган

рихини керагидан ортиқ қўқлар-га кўтариш тенденцияси бош-ланганда у Н.Карамзиннинг "Россия тарихи" асарининг му-айян қисмларини таржима қилиб чоп эттиради. Сайид Ризо Ализоданинг мусулмон мада-нияти ва тарихини ўрганишга, тадқиқ этишга қўйган ҳиссаси ҳам катта бўлган. Унинг 1923 — 1934 йиллар оралигида араб, форс, урду тилларида хорижда чоп этилган асарлари, айрим

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

маълумотларга қараганда, ҳозир-гача эътибордан қолган эмас. Улар орасида, айниқса, икки жилд-ли "Ислом тарихи", икки жилд-ли "Маданияти ислом" асарлари ҳозир ҳам Шарқ мамлакатлари кутубхоналарида сақланади.

С.Ализоданинг Са-марқандда 1906 йили жадид мактабини таш-кил этиб, ўқувчилари учун тиббиёт, риёзиёт, ҳандаса, жүрофия, ҳатто жисмоний тарбия фанла-ри бўйича ўзи қўлланма ва дарсликлар тузгани, "Шулай ичкилоб" жур-налининг бош муҳарри-би бўлгани, хорижий нашрлар-да мақолалари билан мунтазам қатнашгани, "Зарафшон", "Самарқанд", "Ойна", "Хуррият" каби нашрларимизнинг фаоллари қаторида турганини эътиборга олсак, унинг фаолия-



САЙИД РИЗО АЛИЕВ

Бахтиёр НАЗАРОВ, академик

Манзура БЕКЧОНОВА, "Туркистон-пресс"

Олимжон ХОЛДОР

БОР ЭКАН ЎҒЛОНЛАРИ...



КУЧ-КУЧ

Биз куёш, ойдин олурмиз, ердин олурмиз куч-куч,
Шул сабабли юрт-Ватан, халқ олдида бурч-бурч.

Бор экан ўғлонлари ҳам бегубор осмонлари,
Хушёр экан посбонлари ухлагаймиз тинч-тинч.

Фалакиёт илмидир бу ота-боболардан бадал,
Мирзо Улугбекдан мерос "илми нужум зиж-зиж".

Шул Ватан жаннатмакон ким хиёнат айласа,
Юзлари бўлган қаро-ю, ниятлари ҳам пуч-пуч.

Бог-роғ, ўрмонлари, пахтазор майдонлари,
Йўл бўйида хилма-хил гуллар очилгай зич-зич.

Мен Олимжон ушбу юртнинг кекса бир газалхони,
Мустақиллик берди менга қайта ёшлик, куч-куч!

ЯСАНТИР

Юртимни севар бўлсанг давронни ясантир,
Даврон бида ҳар битта инсонни ясантир.

Яхшиларга бўл ҳамдам, ёмонлардан йироқ бўл,
Уммону дарёларни, осмонни ясантир.

Мустақил бу Ватанга кўз тегмасин десанг гар,
Бир бўлиб, бир дам бўлиб имонни ясантир.

Ўзимдан бу дунёда қолсин десанг яхши ном,
Ризқ бергучи ҳаммага деҳқонни ясантир.

Ясантир чаманларини, боғларга чирой кўшгин,
Улуғ йўлга бошловчи қарвонни ясантир.

Муҳаббат НАЗАР

ИШОНЧ МЕНИ ЮКСАЛТИРГУСИ

Қояларга дўст бўлдим бугун,
Виқорлардан олдим андоза.
Юксаликка қўлимни чўздим,
Само каби юрагим тоза.

Кўзларимдан сидирдим ёшни,
Эголмайди бошимни залвор.
Шамолларнинг қонида айл,
Қадим маним тик ва улугвор.

Тиканларни менсимас қадам,
Саботимдан сачраётир чўғ.
Йиқилмайман, чекинмайман ҳам
Ҳасратларга шериклигим йўқ.

Оҳ, нақадар гўзалсан, ҳаёт!
Бунча ширин болам кулгуси.
Мени ушлар қояга ҳавас,
Ишонч мени юксалтиргуси!

БОЛАЛИК

Болаликка бир зумгина қайтгим келди,
Тупроқ йўлда зир югургим, чопгим келди.
Сочларимга толпоуқлар тақиб олиб,
Оймоннинг юзларидан ўпгим келди.

Пошшолгим, саройингни дилга қургин,
Бекинмачоқ ўйнамоққа бирга юргин.
Жон қалдирғоч қанотингни бериб тургин,
Ёр-ёр бўлган дугонами кўргим келди.

Ҳой Зулфия, ўғилчангни бешикка сол,
Тезроқ алла айтақолгин, ухлата қол,
Дугонажон, бошганидан ташвишинг ол,
Сенинг билан яна бештош отгим келди.

Кўлдан учган оққушлардек учдик узоқ,
Изимизга не сайёлар солмиш тузоқ,
Ҳаёт — сени мен уйнаган бекинмачоқ,
Топиб олиб, сочларингни ўргим келди.

Тушга қирар шадлоғина дўмбоқ қизча,
Бошлариде тулли дўппи, адрас нимча,
Этагига солиб олган тандир кулча,
Унинг тушган тишини тумор қилгим келди.

Тонгни кесиб, оқ йўл чизган учоқларда,
Ҳаяжоним гуриллаган учоқларда,
Кувончларда, ўйловларда, қийноқларда
Эрталдай оқ қорларингни кўргим келди.

Қор остидан бойчечакдай унгим келди.
Болалигим, бугун сени кўргим келди.

Жон Ўзбекистонни ҳар кимки ҳавас қилса,
Ош бериб, чопон кийгиз, меҳмонни ясантир.

Истиқлолни куйлаган, давраларда уйнаган,
Яктак кийган йигитлар, жонини ясантир.

Ёшим саксонда, аммо ижодим — роҳатим деб,
Олимжон, "Ишқнома"ни, девонни ясантир.

НОН

Бир увоқ нон ерда ётса увол, дерлар,
Олиб кўзга сурт, ўп уни ҳалол, дерлар.

Гуноҳ эрур нонни ерга ташлаб кетса,
Ундайларнинг истиқболи завол, дерлар.

Ким нонни хор айлар экан, билиб қўйинг,
У зор бўлур, бу қадимги мақол, дерлар.

Нони борнинг эртаси бор, давлати бор,
Савлати бор, бу ҳаммага мисол, дерлар.

Ҳар хонадон тўкин-сочин бўлса агар,
Шунинг ўзи бахт, саодат, иқбол, дерлар.

Дастурхони доим очик Олимжон дер:
Бир увоқ нон ерда ётса увол, дерлар.

ТАБАССУМ

Азизларим, муҳаббат,
Табабсумдан бошланур.
Меҳру вафо, салоқат,
Табабсумдан бошланур.

Болаларнинг шўхлиги,
Табабсумдан бошланур.
Ҳар бир қизнинг кўҳлиги,
Табабсумдан бошланур.

Гул-чечаклар урса ниш,
Табабсумдан бошланур.
Қўйингни, ҳар яхши иш,
Табабсумдан бошланур.

ЧИЗИҚ

Пешонага тушган бир чизик,
Ҳар ўн ёшдан берармиш хабар.
Табиатнинг қонуни қизик
Ўзи чизиб ўзи ҳар сафар —
Қорға буркаб одам бошини,
Санаб юрар эмиш ёшини.

Машина Тошкент — Термиз йўлидан
илдам одимлайди. Рулда Кутбулло,
ёнида Мадийёр, орқа ўриндиқда эса ка-
мина. Шаҳардан чиқмаганимизга ҳам
анча бўлган экан. Йўл манзаралари,
кенг далалар, узокдан кўриниб турган
тоғлар, бекатдаги турфа одамларни
кўриб, ажаб, қачонлардир дилда собит
бўлган хаёллар кўнгилга келиб, анча
енгил тортасиз. Йўлнинг ўзига хос қач-
фияти бор: қандайдир тазарруга эҳти-
ёж туғилади. Оқибат ҳақида ўйлай бош-
лайсиз. Билганига амал қилмайдиган
биз "чаламулла"лар ҳаёт йўлимизни
ҳам "илмийлаштириб", имкон қадар
мураккаб қилиб юборганимизки, бу
тўрдан ўзимиз-да қайтиб чиқолмай
қоламиз. Ҳар нарсани "ўйлаймиз", эҳ-
е дунёнинг кенглигини қаранг, биро-
дарлар.

Этнография илмий тадқиқот маркази-
да ишлаётганимга саккиз йил бўлди-ёв.
Икки йил аспирантурада, кейин имти-
хондаги аччиқ-тизиқ гаплардан сўнг кели-
б қолган жойимиз шу ер — илмий мар-
каз...

Ишхонамизда бошлиқ мен билан Ма-
дийёрга кўпроқ ишонади. Сабаби, унинг
ўзи собиқ тарихчи. Талаб эса бошқача.
Ходимлар ҳам аралаш. Сарви — социоло-
г, Маҳди — тилшунос, Венера — логопед
врач, Яшин ака — эколог. Максоди-
миз этнографик жамланмаларни на-
шрга тайёрлаш. Нашриёт ва ноширлар
эса кутиб ётишибди. Маркетингчилар-
ни-ку сўраманг. Аммо ҳафсала бўлмаса
— бари, бир.

Шу... Турсуной билан гапимиз қочиб,
у кетиб қолган, ўзимни-ўзим яхши бил-
маслигимни сезиб қолдим. Мадийёр ҳам
шундайми дерсиз? Йўқ, у бўлак дунё. У
— аксинча, дақиқа сайин, узлуксиз ўзини
кашф қилишга интилади.

Агар у Қўйлик бозоридан тарвуз
олмаганида шунча воқеа бўлмасмиди,
шу саволлар ҳам дилга қалқиб чиқмасмиди?
Бу ҳам майли, у сотувчи йигитдан
"Сиз қурамамиз, олтибек-
ли?", деб сўрамаганида эди,
шу воқеалар рўй бермасмиди?
Индамай тарвузини пуллаш
ўрнига гап сотиб қолди ул
киши ҳам.

"Бобом Пиримкул, отам Нарзулла авари-
ядан ўлган, бобом ҳам ёш кетган, ле-
кин иккинчи аёли олтибеклардан дегич
эди, хув очлик замонларда, урушдан ав-
вал бобомга тегиб қишлоқдан кетган,
момоси тушгур ҳали-ҳали армон қила-
ди, томир-да... — тарвуз сотувчи тагин
қўшиб қўяди — Отим Беғали, Ой... ки-
шолардан...". Зик бўлиб ўтирган экан-да,
дейман ичимда.

Мадийёрнинг айтишича, сотувчининг
баъзи гап-сўзлари, шеваси ўхшаб ке-
таркан. Кимга ўхшаб кетаркан? Амма-
сига! Ё, пирай! Одамзод ўхшашини ис-
таса ўхшатавераркан-да. Узун қорин
қўйган сариқ одам. Момосининг исми
Садира эмиш. Мадийёрнинг аммаси ҳам
Сафурами, Сайронами бўлган...

Шу воқеани ҳар эслаганда Мадийёр
менга нажоткорга боққандек термулиб
ёрилади. Отасининг васиятини ҳам эс-
лайди. "Излаб топинглар, аммаларинг
тирик, ўшанда мажбурлаб эрга бердик",
— деган экан отаси. Амма шўрлик фар-
занд кўрмай эрдан қайтиб келганда Ма-
дийёрнинг раҳматли отаси опасини
қувиб-солади: "Тугмас бўлиб туриб қол-
гунча, эр кўриб эргашиб кетган яхши".
Бу гап учун чол кейин кўп афсус қилади.

Шўйиб, отасининг армони — Мадийёр
давом эта бошлади. Катталар хато-
сини тузатиш керак, аммасини тирик-
лигида топиш керак. Балки турмушдан
ёлчиб, балқиб-чалқиб яшаб ётгандир.
Бечора амма ҳам ака-укаларини изла-
ганмикин? Бор-йўғи бир оғиз гапга ке-
ми? Йўқ, ундай эмас! Мадийёр менга
ёрила-ёрила фикримиз қатъийлашди.
Аммани излаймиз, тахминимиз бор,
буёғи Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё
томонларда шундай қишлоқлар кўп. Ой-
моқон, Ойтамғаш, Ошув, Ошбулоқ, Ой-
имтоғ, Ойтош...

Машина илдам одимлайди. Ҳар ким ўз
йўли билан. Кутбулло Янгирдан олиб кел-
ган гаражига харидор излайди. Мадийёр
ўқиб-ўқмаганига, оқибатли бўлолмагани-
га пушаймон бўлади. Йўқса, шу пайтгача
дом-дараксиз кетган аммасини излаб
топмайдики? Шаҳарнинг ташвиши бари-
мизни ҳам гангитиб қўйган-да. Бу икки-
сидан ҳам кўра мен худбиним. Турсуной
бечорани ўзимдан совутиб қўйдим.
Оилам бузилди. "Энди мен ўзимни-ўзим
алдаб яшайман! Турсуной, Турсуной бор-
мисан, мени ҳеч бўлмаса заррача кечи-
ра оласанми?" Кўзимга ёш келганини
сезмай қоламан. Қарасам, Мадийёр ҳам
йиғляпти. Фақат унис. Хаёлларимизни
Кутбуллонинг гапи бўлади.

— Шу Мадийёр ака, аммангиз Ойбу-
лоқдан эмас, Ойирма қишлоғидан бўлса
керек. Ойбулоқ хозирги Панжентуқ,
Пойарикда, Фаллаоролдаям Ойбулоқ
бор. Ойирмали одамлари тарвуз сота-
ди. Чироқчида шундай қишлоқ бор. Агар
шу тарвузпуруш сабаб бўлса... Янаям
қайдам...

Йўлда баҳаво жойда тушлик қилдик.
Кутбулло у деди, бу деди, икки "йиғло-
қи"га ҳалиги "қултимиссин"дан ичирди.
Бу кургур бироз гапни-гапга қўшади-да.
Гурунг бошланади. Бу дунёда ҳеч бир
нарсаси бесама, жавобсиз эмас. Айтил-
ган сўз — отилган ўқ, "Ассалому алай-
кум — ваалайкум ассалом". "Бориш —
келиш"... яна шунга ўхшаш. Бор нарса
йўқолиши мумкин, йўқолган эса бир

куни албатта топилади. Бирдан юксақ
тоғлар эътиборимни тортади. Негадир
ўткинчи дунё ҳақида ўйлайман. Ҳамма-
миз бирин-кетин ўтиб кетаверармиз,
аммо бу тоғлар собит тураверади.

Пешиндан сўнг куннинг тафти хали
қайтмай туриб, Кутбуллонинг Фаллао-
ролдаги чўпон жўрасиникига бурилдик.
Мезбон ҳарбийда бирга бўлган жўраси
бўлиб, чўпон эмас — гўрков экан. Нима
дейсиз — касбда, ризқи шунга сочил-
ган-да. Ўзи толиқиб қолган эканми,
мезбоннинг хурмати, иримига ўтириб-
миз. Уёқ-бўёққа ёнбош ташлашга маҳ-
тал бўламиз. Шаҳарда одам хомиб ке-
тган-да. Дил хира, ичганимиз дардимиз-
ни баттар қилдим, билмадим. Аксига
олиб, уй эгаси ҳам одамоворқ чикди.
Борганимизда хушлагандай бўлди-ю,
кейин сўрайиб қолди.

Ичимни бир эзгин ҳис қил-
гади. Шу... йўлда ичмагани-
мизда. Кейин лажланиб
қолмаганимизда балки...
янаям илдамроқ юраверар-
мидик. Бугун етиб борарми-
дик. Уй эгаси ҳам нимани-
дир сезиб, билиб тургандай.
Ҳовлига жой қилди. Келган
пайт эътибор бермаган
эканми, ҳовлидан бир
қаддам наридаги қабристон
шундай совуқ кўриниб ту-
рарди. Бола пайтимизда
қоронғида қабристон олдидан ўтишга
қўрқганимизни беихтиёр эсладим.
Кўхна дунёнинг олдида ҳалиям бола
эканимизни кўнгилдан кечирдим. Негадир
бирдан бўшашиб, шалвираб қолдим.
Дастурхон ёзилди, мева-чева, қовурил-
ган у-бу нарса қўйилди, ароқ ҳам. Уй эга-
си, Мадийёр ва мен ичдик. Юмшадик,

Ўлжабой ҚАРШИБОЙ

ДУНЁНИНГ ЧЕТИ

Бирок гап яна унча қовушмади. Кутбул-
ло ҳам маънос тортиб қолди. Аниқроғи,
у рулда чарчаган, икки илжикча ҳамроҳ-
лик қилган. У яна бизнинг тахминимиз-
ни айтиб гапира бошлади. Яъни, Мадий-
ёрнинг аммаси Ойбулоқда эмас, Ойир-
мада — Чироқчида, деб гап уқтирди.
Балким. Уй эгаси қизик одам экан,
очилмайди, лекин жим ҳам турмайди.
Оти Мансур экан. Унга гап қотаман:
— Мана ёз ҳавосини қаранг, Мансур-
жон. Кенг жойлар, тоза ҳаво... — Гап та-
гин мавзумизга қайтади. — Бу қўшни-
ларнинг ҳеч бир қайвониси бормикин,
эшитганмикан кўчиш замонларини? Бал-
ки, билар?

Уй соҳибининг тунд жавоби энсамни
қотирди. Ё ўзи бўлган-тургани шудир...
Жой солиб ётгач, ҳамма ўз ха-
ёли билан уйкуга кетди.

Тонг отмай уйғониб кетдик.
Уй эгасига миннатдорлик бил-
дирган бўлдик. Негадир совуқроқ
хўшлашдик.

Анча йўл юрдик. Йўл ҳам одамнинг
кўнгли-да: тугамасаю манзилга ҳам
етсанг — одам боласи кўпинча нима
истаётганини ўзим ташунмайди. На-
заримда, Чироқчи далаларига етиб
келганимиз, шекилли. Манзаралар, бо-
зорга кетаётган одамлар, мол ҳайдаб
юрган болалар, манави қишлоқни
Хува дейишди. Курсимизда бу қиш-
лоқдан бир йигит ўқиганди. Биров
тўхтатиб қўядигандай тез-тез, шошиб
гапирарди.

Қайгадир яқинлашарми. Нимагадир
юрақ тез ураятти. Кутбулло чамалаган
қишлоқ шу ерда бўлса керак. Телеэкра-
нда кўрсатган Чироқчи кенгликларини шу
ердан бошланса ажабмас. Олис тоғ
этақларида катта-кичик қишлоқлар жой-
лашган. Чопоннинг ўнгирини қайриб
олган бир одам йўл четидан уч-тўрт
узоқ мол ҳайдаб кетаяпти. Машинани
секинлатиб, чолга салом бердик. Меҳ-
мон эканимизни сезди, шекилли: "Сиз-
лар бу дейман, анави... кечаги жойга-
ми?" деб қолди. Ва... негадир ерга қа-
рарди.

Ё, тавба, дейман, ўзимга-ўзим. Қан-
дайдир ички туйғу қайсарликка ундай
бошлади.

— Шу атрофда, Ойтамғали, Ойқочди
деган қишлоқлар борми?

— Бор, бор, Ойтамғали тоғнинг ор-
тида, Ойирма хов анови, Ойқочдисини
билмаппан?, — деди чол.

— Ҳа, ҳа, — деди Кутбулло шоши-
линч. — Одамлари Тошкентга бозорга
қатнади?

— Ҳа, энди шаҳар қатнаб тирикчилик
қилишди-да, — қўшиб қўяди чол — Ма-
матга қариндошмасмизми?

Ҳеч ким индамади. Машина беш-олти
чақирим олис тоғ қаърига йўрғалайди.
Ойирмада уйлар анча тарқок, одамлар
адир бўйлаб қаторасига уй солишган.
Бурлишдан иккинчи уй олдида тўхта-
дик. Худди келишимизни қуттишган-
дек бир киши машинага жой кўрсатди.
Ичкаридан яна бир киши чиқди. Чопон-
дўппили бир йигит айвон олдида қўрпа-
ча тўшади. Уч-тўрт киши уйнинг олдида
тизилиб турибди.

Кеча бу ерда аза бўлган экан. Эссиз...
Ҳаммамиз ниманидир сезгандек, хо-
муш тортиб қолдик. Ким ўтган, биз ким-
никига келдик? Аммо бунинг ўрни эмас.

Ўтириб омин қилдик. Тўрдаги киши
"куршон" тиловат қилди. Бироздан кейин
тўладан келган бир сариқ киши пай-
до бўлди-ю, Мадийёр иккиси... қутилма-
ганда қучоқлашиб кетишди. Тўйқус мен
таниб қолдим: бу бозордаги тарвуз со-
тувчи эди.

— Момомизни бериб қўйдик, биро-
дар, — деди у. — Бечора армон билан
кетди. Ота уругидан ҳеч ким келмайди,
деб армонлади. Эсладим, сиз Тошкент-
дасиз-а? Ёзувчисиз? Телевизорда
кўргансиз. Айтмоқчи, қариндошингизни
топдингизми, ҳеч изламадингизми?

Шу пайт бир киши ичкарига тақлиф
қилди.

— Қани, тортингизлар.

Ичкариладиқ. Уй тўла, мўсафид,
беш-олти чоллар. Яна фотоҳа. Дастур-
хонга шўрва тортилди. Ма-
дийёр иккаламиз бир-бири-
мизга маъноли қараб
қўйдик: кечаги ичкиликнинг
хиди билиниб турар эди.
Шўрвадан сўнг бир-бир пи-
ёла чой ичдик.

— Меҳмонлар, сизлар
асли қаердан, қиллардан
сизлар? — сўраб қолди
чоллардан бири менга биро-
вор қараб, кейин нигоҳини
Мадийёрга тўхтатди.

— Олтибекли авлодидан.

— Ия, бу момомиз ҳам
ўзини олтибеклимиз дегич эди. Отала-
ри Бўкага кўчиб борган, ўша ерда бо-
бозимнинг назарига илгинган. Бобозим-
нинг биринчи аёли ўтгандан сўнг, шу
момомизга уйланган. Лекин кампир бо-
лаларни ўғай демади, оқ ювиб оқ тари-
ди. Худо бермади — бола тугмади.
Меҳрини шу ўғайларига берди. Сафура
бечора яхши аёл эди...

Ҳамма нарса ойдинлашганди. Марҳ-
ума Мадийёрнинг аммаси экан. Мадийёр

ўпкиси тўлиб йиғлаб ўтирибди. Бир пайт
тарвузфуруш овоз чиқарди. Кейин у ҳам,
Мадийёр ҳам, ўрнидан туриб бир-бири-
ни бағрига тортиди. Бирни момомлади,
бири аммам деб бўзлайверди. Кўнгли
бузилди. Биз ҳам овоз бердик. Овозни
эшитиб, уйни одам босди. Ўпкиси
тўлган, қирқдан ошган бир йигит знам-
лаб кирди. Чоллар, ҳаммаси қараб
қолди.

— Келаркансизлар-ку, йигит. Бечора
энам армонда кетди. Дунёсининг ҳам
чети бор экан-ку.

Бирон ўн беш дақиқадан сўнг йўқлов-
чилар тинчиб қолишди. Тагин тиловат
қилинди, уй эгалари чопон топиб келиш-
ди. Дўппи, тўн кийиб, ташқарилдиқ.
Тушга яқин яна мол сўйилди. Бир ўй
жой қилишди. Мадийёрнинг ҳам,
уй эгаларининг ҳам ховури бо-
силди. Мозор бошига ҳам бо-
риб келдик.

Эҳ, дунёси қурсин. Ким етибдики,
охирига энди етишса. Эҳтимол Мадий-
ёрнинг отаси ўша кесатиқ гапни га-
пирмаганда, ростданам қайтган қиз,
укаларига эргашиб юраверармиди.
Унда, ўзбекча гўрур-чи, боши очик
аёлнинг шаъни-чи? Эҳтимол айтиб
яхши қилгандир. Рўзғор кўрди, кундо-
шининг болаларига меҳр берди, меҳр
топди. Энамлаб йиғлаган манов йигит-
лар... Бу ҳам бахт эмасми? Бир умрда
бир банд шунга эришадди-да. Шу то-
мирлар уни бор қилиб туради-да, ахир.
Айниқса, бугунгадй бир осойиш кун-
ларда. Кечаси билан хотиралар жун-
бушга келди. Мироб уста деган киши-
нинг гап-сўзлари янаям одамнинг ичи-
ни ёритди.

— Бу дунёда излаганини топган
одамнинг ҳам армони йўқ-да, биро-
дарлар, — деди уста, — мен бир гу-
рур берайин сизларга. Нон танқис
эди. Қипчоқ қишлоғида яшагич эдик.
Очиқдан одамлар шишиб ўлаяпти. Бир-
вор каламуш инидан бугдой топади.
Бугдой-а! Бир сиқим бугдой ҳаётга
тенг. Одамлар қир бағирларидан ҳаф-
талаб каламуш инини қовлашади. То-
ганини пишириб ёйишади. Аммо, буг-
дойни каламуш тишидаги захар захар-
лаган эди. Захар қўлга, қўлдан оғизга
ўтиб, қишлоқ қирила бошлади. Оми
одамлар буни билишмайди. Шунда
чалажон бир мўсафиди айтдики: "Биз-
лар энди ўлиб кетамиз. Тириклар,
соғлар бу ердан қочсин!" Икки тоғ
ўртасини тўлдирган қишлоқ тарқалиб
қўчиб кетди. Сизлар-ку шу ерда экан-
сизлар. Қўйинглар энди, бу кунларни
кўрманглар. Майли, кеч бўлса-да,
топибсизлар, шунга шукр...

Эртасига розилашиб йўлга тушдик.
Ҳа, кўхна дунёнинг ҳақиқатлари, биздан
сўрамасдан рўй бераверади, рўй бера-
верар экан!

Йўлда, Фаллаоролда тўхтамадик. Қут-
билло ўз уйлари билан банд, Мадийёр,
кеч бўлса-да, аммасини топганидан хур-
санд. Мен эса Кутбуллога қараб-қараб
қўяман. Лабиимни қимирлатиб кўраман.
Худди кейин гапиролмай қоладигандек.
Уни: "Дарёдан ўтгач, Турсунойнинг
қишлоғига бурилсан!" Ҳа, шундай де-
моқчиман. Одам излаганини топиши
керак! Эҳ! Тириклик яхши-да, сирли,
ўзига тортувчи.

Машина эса илдам одимлар эди.

ИБРАТЛИ ИЖОД ЙЎЛИ



Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида яратилган кўп қисмли «Бобур» видеофильми бу актёрга катта шuhrат келтириб, ҳар бир ўзбек хонадонининг сеvimли санъаткорига айланганди. Бобур образи нафақат ташқи қиёфаси, балки ички дунёси билан ҳам том маънода ўз ижрочисини топди. Зеро, Муҳаммадали Абдуқундузов ижросида Бобур Мирзо оғир, вазмин, чуқур ўйга ботган, ўткир нигоҳли, сўзлаш оҳангида маҳзуналуғу мағрурлик, хазиналуғу ўқтамликни мужассам этган инсон сифатида гавдаланади.

лозим. Бу эса ижрода мураккаблик туғдириши табиий.

У ижро этаётган образ умрини инсонларга яхшилик қилиш учун тиккан йигит. Йигитнинг табиатига туғма актёрлик ҳолатлари ҳам бегона эмас. Айнан мана шу хислати сабаб у бир қиёфадан иккинчисига оғринмай, уялмай, балки фахр билан ўтиб юради. Ҳаётнинг ўйинини қарангли, ҳожатталаб инсонлар истагини бажариш асносида директор ўзи билмаган ҳолда сезгирлигини йўқотиб, ижро этаётган ролидан чиқа бошлайди. Актёр ўзи сезмаган ҳолда севиб қолган инсоннинг қалб силрларини томошабинга сездириш усуллари топишга интилади ва жўшқин кўтаринки руҳдаги ижрони маълук топади.

Эътироф

Муҳаммадали Абдуқундузов яратган образлар инсонлар қайғуси, гами билан яшайдиган қаҳрамонлар. Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси томонидан сўнги йилларда яратилган У.Азим қаламига мансуб «Огоҳ бўлинг, одамлар» асаридagi образи ҳам шундай. Ушбу спектаклда М.Абдуқундузов жиноят қидирув органи ходими образини яратди.

Полковник Жабборов — М.Абдуқундузов миллатпарвар, ҳақиқатгўй, номус ва шаън эгаси сифатида намён бўлади. Актёр суҳбатдошининг ишончини қозониш орқали унинг кўнгил тубида қотиб қолган, бировга айтиш мушкул бўлган дил изҳорини тилига чиқара олган инсон қиёфасини ишонарли талқин эта олган. У ўзига топширилган рол моҳиятини тўғри англаган ҳолда талқин этгани боис саҳнадан жаранглаган ҳар бир сўз томошабиннинг қалб торларини титратиб юборади.

Бу каби образлар актёр ижодида кўп. Уларнинг ҳар бири катта эътирофларга сазовор бўлган, томошабинлар қалбидан ўрин олган, актёр ижодий биографиясини безашга лойиқ. Бунга ҳавас қилса, ибрат олса арзийди. Зеро, ибрат бўларли ижодий йўлни босиб ўтаётган Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов учун айна кундаги ижодий ютуқлар галдаги довогна замин бўлишига шубҳа йўқ.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА, санъатшунослик фанлари доктори

Бундан ташқари, «Лайли ва Мажнун» (Алишер Навоий), «Кеча ва кундуз» (Чўлпон), «Увайсий» (Тамилла Қосимова) видеофильмларидаги Навоий, Чўлпон, Амир Умархон сиймолари ҳам томошабинлар қалбидан жой олди.

Лекин Муҳаммадали Абдуқундузовнинг актёр сифатида шаклланиши, камол топиши, эл назарига тушиши бевосита театр саъяти билан боғлиқ. Фаолиятини Сурхондарё вилоят театрида бошлаган актёр Ўзбек Миллий академик театри саҳнасида яратган бетакор образлари билан истеъдодини намён этиб борди. Бу ўринда шоир ва драматург У.Азимнинг «Кундузсиз кечалар» асарига асосида саҳналаштирилган спектакл алоҳида ўрин тутди. Мазкур спектакл юқини кўтариб турган ак-

Актёр ижросида яна бир эътиборли жиҳат шуки, у қаҳрамони қалбидagi зиддиятли ҳолатлари ҳамма вақт ҳам очик кўрсатавермайди. Хиссиётларини фақат хотимада, шоирнинг сабр косаси тўлиб, қалби ҳақорат ва хўрланишларни кўтармай қолгандагина намён этади. Ана шунинг учун ҳам томошабин хотирасида Чўлпон кучли, ноҳақликлар олдида тиз чўкмаган, ҳақиқатнинг буқилса-да, синмаслигига ишонган шахс сифатида сақланиб қолади.

М.Абдуқундузов ижодий биографиясида жаҳон драматургиясининг ноҳид намуналари асосидаги асарларда ижро этилган образлар ҳам алоҳида ўрин тутди. Уларнинг аксари етакчи қаҳрамонлар тимсолларидир. Хусусан, 2005 йили театр жамоаси Шекспир-



«Огоҳ бўлинг, одамлар» спектаклидан лавҳа

тёрлар орасида М.Абдуқундузов номи алоҳида таъкидлаш жоиз.

Чўлпон — М.Абдуқундузов дастлабки саҳнадаёқ ўта босиқ, вазмин, ўзига, ўзининг ҳақлигига ишонган шахс сифатида намён бўлади. Унинг ўлка, халқ гаமிдаги фикрлари, миллат тақдири ҳақида айтган гапларидан теран қарашлари, софдил табияти намён бўла боради. Воқеалар ривожланган сари шоир табиатига хос янги қирралар юз очади.

Актёр, айниқса, баъзи ақинларининг ўз жонларини сақлаб қолиш мақсадида ундан ўзларини четроққа олишларини сокинлик билан қарши ола билган инсон қиёфасини ишонарли талқин этишга эришган. Шоир қалбидан отилиб чиқаётган мисраларнинг жўшқинлиги орқали актёр ўз қаҳрамонининг мураккаб характери-ни очиб беради. Унинг қалб изтиробларини томошабинга тўлиқ етказишга интилади. Натихада, М.Абдуқундузов ижросида шоир образини яратишда одатда учрайдиган ясама мулоимлик ёки кўтаринкилик сезилимайди, шеърини мисралар қаҳрамоннинг ички дарди, изтироблари ифодаси бўлиб жаранглайди.

нинг «Ҳамлет» (режиссер Турғун Азизов) асарига муножаат этди.

Спектаклда М.Абдуқундузовга Қирол образи топширилди. Бир қараганда, қирол образи унинг шахсиятига хос ташқи тароват ва ички маданиятга тамомила зиддай кўринади. Бироқ актёр ижрога киришар экан, асосий эътиборни ўз табиатига қарши боришга қаратади. Ташқи жиҳатдан баркамол инсон ҳам баъзан қалби, руҳиятидаги кемтиклардан ҳоли бўлмаслиги мумкинлигини кўрсатишга интилади. Натихада, саҳнада ҳаракати ва характери ўта кўпол, ўзгарувчан феъл-атворли қирол образини ярата олди.

Актёрнинг ижро маҳорати, қиёфадан қиёфага «енгил» ўта олиши у яратган ҳар бир образда кўзга ташланиб туради. Шу жиҳатдан испан драматурги Алехандро Кассонанинг «Дарахлар тик туриб жон беради» (режиссер Валижон Умаров) пьесаси эътиборли.

Бу спектаклда М.Абдуқундузов хайрия фирмаси директори образини яратган. Актёр бир пайтининг ўзида икки қиёфада, икки кимсаннинг руҳий кечинмаларини гавдалантириши

ча, асарларнинг асосий қисми Караваджонинг ўсмирлик даврида яратилган бўлиб, Симона Петерзано устохонасида сақланиб келган. Картиналарнинг умумий қиймати 700 миллион евро деб баҳоланмоқда.

ЖЕКИ ЧАН ВАЪДАСИДА ТУРМАДИ

Хитойлик машҳур актёр Жеки Чан кино санъатини тарқ этиш ниятидан қайтганга ўхшайди. Хабарингиз бўлса керак, яқинда оммавий ахборот вакиллари билан бўлган суҳбат чоғида шарқ яққа кўрашлари устаси бундан буён жангари фильмларда суратга тушмаслигини эълон қилган эди. Бу-янгилик кўпчиликини ҳайратга солган бўлишига қарамай, мухлислар актёр ўз



ижодини режиссер сифатида давом эттиради, деб умид қилаётганми.

Бироқ Жеки Чаннинг актёрлик соҳасига бўлган муҳаббати устун келди. У ҳозирги кунда янги картина устида иш бошлаб юборган. Жеки Чан фильмда бош қаҳрамон ролин ижро этиш билан бирга, продюсерлик вазифасини бажаради. Бундан ташқари, актёр Жей Лонгино билан ҳамкорликда филм сценарийсини ёзиши ишида ҳам иштирок этмоқчи.

КОМПЬЮТЕР МУСИҚА БАСТАЛАЙДИ

Яқин келажакда муслиқий асарларни бастакорлар эмас, замонавий компютерлар ярата бошласа ажаб эмас. Испаниянинг Малага университети олимлари олиб борган тадқиқотлар натижасида «Iamus» номли янги рақамли дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ёрдамида турли жанрдаги муслиқий композицияларни яратиш мумкин.

Ушбу кашфиётнинг яна бир ноёб жиҳати шундаки, унинг ёрдамида полифоник йўналишдаги мураккаб асарларни ҳам нотага тушириш имкони бор. Ана шундай ижод намуналарини

дан иборат илк концерт кечаси Англияда бўлиб ўтиши режалаштирилмоқда. «Iamus»нинг ижод намуналари машҳур Лондон симфоник оркестри томонидан ижро этилади. Шу йилнинг сентябр ойида эса мазкур асарлардан тузилган муслиқий тўпلام тақдими бўлиб ўтади.

ПИТЕР ПЕН ЯНА ЭКРАНДА



Машҳур эрта қаҳрамони Питер Пен кино экранларига қайтмоқда. Бу лойиҳага бошчилик қилаётган «XX аср фокус» кинокомпанияси шотланд ёзувчиси Жеймс Баррининг «Питер Пен ва Венди» романи асосида кўп қисмли телесериални суратга олишни режалаштирмоқда. Асар муаллифларидан бири Брайн Жонсоннинг айтишича, янги картина эски талқиннинг давоми бўлиб, унда Питер Пен ва дўстлари бошидан

кечирадиган қизиқарли саргузаштлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Янги телесериал жаҳон экранларига қачон чиқиши ҳозирча номаълум бўлса-да, намойиш ҳуқуқини кўлга кириштиш учун бир қатор телеканаллар кураш олиб бормоқда. Кинотанқидчилар эса картина муваффақиятига шубҳа қилишга тили йўқ. Сабаби, Питер Пен аллақачон жажжи томошабинларнинг энг сеvimли қаҳрамонларидан бирига айланган улгурган.

РЕМБРАНДТ КЎРГАЗМАСИ

АҚШнинг Миннеаполис санъат институтида буюк голланд расоми Рембрандт ван Рейн асарларининг тарихдаги энг йирик кўргазмаси иш бошлади. Мутахассисларнинг эътирофига қараганда, машҳур расом асарларидан иборат бун-



ЕТТИ РАНГ...

дай намойиш илк бора ўтказилган бўлиб, кўплаб санъат ихлосмандларида қизиқиш уйғотмоқда.

Албатта, Миннеаполис институти ходимлари учун ноёб картиналарни жамлаш осон кечгани йўқ. Намойишдан ўрин олган асарлар ўндан ортиқ галереялардан тўпланган бўлиб, барчаси асл нусхалар ҳисобланади. Картиналар даврий изчиллик асосида жамланган. Улар орасида расомнинг «Лукреция», «Мартен Лоотен» каби машҳур асарлари ҳам бор. Кўргазма давомида мухлислар Рембрандтнинг оптика соҳасидаги кашфиётлари билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлишади.

ЧАПЛИННИНГ НОМАЪЛУМ СЦЕНАРИЙСИ

Италиянинг Болонья шаҳрида Чарли Чаплин қаламига мансуб янги сценарий топилди. Шаҳарда жойлашган архив бошқармаларининг бирида топилган ушбу кўлзма машҳур балет устаси Вацлав Нижин-

мероси сифатида баҳолайди. Кейинги йилларда ўзбек мақомшунослигида «Хоразм мақомлари», «Фарғона-Тошкент мақомлари» ўз номи билан эътироф этилса-да, «Бухоро шашмақомини» «Бухоро» сўзи туширилган ҳолда аташ урфга кирган. Шу сабабли муаллиф минтақавий хусусиятларини назарда тутган ҳолда ушбу мумтоз

Катобингизни ўқидим

муслиқий йўналишни «Бухоро шашмақомини» деб аташни тақдир қилади. Монографиянинг «Шашмақом устозлари» номли иккинчи қисмида Бухоро шашмақомини тараққиётига муносиб ҳисса қўлган Нажмиддин Кавкабий Бухорий, Дарвишали Чангйи Бухорий, Ота Жалол Носиров, Ота Гийёс Абдуғаниев, Анбари Ашқ, Леви Бобохонов, Уста Шоди Азизов, Домла Ҳалим Ибодов, Маъруфжон Тошпўлатов, Шохназар Соҳибов, Бобоқул Файзуллаев, Абдурауф Фитрат, Юнус Ражабий ва бошқа бир қатор мақомдон ва мақомхоналар фаолияти ёритилган.

Албатта, ҳар тўқсизда бир нуқс бор деганларидек, бу тадқиқотда ҳам янада чуқурлаштириш, тараққийлаштириш зарур бўлган нуқталар йўқ эмас. Чунки, рикобнинг ижтимоий-эстетик уюшма сифатидаги аҳамияти атрофида ўрганилиши лозим. Қолаверса, китобдаги бир қатор форса-чужикча тўртликларнинг ўзбек тилидаги таржималарида аслига номуносабиб жиҳатлар кўзга ташланади. Китобда келтирилган баъзи асарлар номлари алмашиб кетганини кўриш мумкин. Мисол учун Абдурауф Фитратнинг «Мунозара» асарининг асл номи



«Ҳиндистонда бир фаранги ила Бухороли мударрисинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси» ёхуд «Сайёҳи хинди қиссаси» асари эса «Баёоти сайёҳи хинди» деб тўлиқ ёзилиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги жузъий камчиликлар китобнинг қимматини пасайтирмайди, деб ўйлаймиз. Муслиқшунос олим Ф.Тўраев Бухоро шашмақомининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тадрижий тамойилларини умумлаштирувчи янги қарашлар билан бойитилган тадқиқот ярата олганки, бу ўзбек мақомшунослигининг биз ўқини қоронғу бўлиб қелаётгани саҳифаларини ёритишда хизмат қилиши, шубҳасиз.

Охунжон САФАРОВ, филология фанлари доктори, профессор

корацияси ҳам урғу бериб тургандек гўё. Саҳна узра занжирга осилган лавҳалар муаллақ чайқалади. Айни ўринда лавҳ илм-маърифат, ақл-идрок рамзи бўлса, занжир — истибод, жаҳолат тисоли ўлароқ гавдаланади.

Спектакл реалистик тасвир асосига қурилган бўлса-да, унда бадий шартлилик ҳам салмоқли ўрин тутди. Театр-студия шароитида

«ДИЙДОР»ДА ПРЕМЕРА

томоша кичик саҳнада кечиси ҳам ана шу ёндашуви тақозо этган бўлса ажаб эмас. «Нодирабегим» спектаклида бадий шартлилик, энг аввало персонажлар талқинида кўзга ташланади. Саҳнада гарчи етти нафар актёр (Назозат Нарзиева, Дилором Абдуазимова, Руслан Ҳайдаров, Асад Абдуллаев, Даврон Нормуродов, Рустам Обидов, Санжар Алиев) ҳаракат қилса-да, улар яратган образлар аслида бундан икки-уч хисса. Сабаби — ҳар бир актёр икки ёки ундан ортиқ персонажнинг гавдалантиради. Саҳнада нафақат қиёфа, балки никоьдан ҳам фойдаланилгани бунга кенг имконият яратган. Спектаклда ёруғ кучлар одатда-

ки қиёфада намён бўлса, қора кучлар никоьда буй кўрсатади. Никоьли саҳналардан ўзбек халқ томоша санъати аъналаридан моҳирона фойдаланилгани эътиборлидир. Турғи, никоь персонажнинг бутун руҳий тўқналарини билан жонлантиришга кўп ҳам имкон беравермайди. Аммо ушбу усул образга гоёвий-ҳиссий муносабатини ифодалашда беқийс афзалликларга эга. Спектаклда никоьлар қиёфалар учун ўзига хос фон вазифасини ўтган ва уларнинг барча қирралари ёрқин очилишига кўмак берган.

Спектаклга жалб этилган актёрлар рол ўйнаш асносида қўлиқ ҳам қуйлайди, рақсга ҳам тушади. Ана шу жиҳатдан «Нодирабегим» фожиаси актёрлар истеъдодини кўпқалама синовдан ўтказувчи жиҳдий имтиҳон бўлган, дейиш мумкин. Турғи, мазкур синовда айрим актёрлар ижросида қиёмига етмаган нуқталар мавжуд. Лекин бунга табиий ҳол деб қараб, хайрихоҳлик билан баҳо берган маълум. Чунки мазкур спектакл энг актёрларнинг ижод маҳсули бўлиб, тажриба орта бориши билан айнаи қусурлар ҳам барҳам топишига шубҳа йўқ.

Муҳиддин АБДУЛАГФОР

ОЛАМШУМУЛ ТОПИЛМА



Милан шаҳрида тадқиқот ишларини олиб бораётган бир гуруҳ олимлар тасвирий санъат тарихидаги энг катта топила-малардан бирини қайд этишди. Гап шундаки, Кастелло Сфорцеско қасридан барокко даврнинг энг машҳур мусаввири Караваддо де Меризи қаламига мансуб юздан ошди асарлар тўплами аниқланди.

Милан герцогларининг қароргоҳидан топилган мазкур картиналарнинг бадий аҳамияти юксак баҳоланаётгани беҳиз эмас. Шу кунга қадар Караваддонинг бор-йўғи эллиқдан ошди асарлари маълум эди. Юқоридаги топилма эса расом ижоди ҳақида мукаммал тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Олимларнинг таъкидлаши-



скийга бағишланган бўлиб, шу кунга қадар унинг мавжудлиги ҳақида маълумот йўқ эди. Рус санъатининг таниқли тарғиботчиси ва ҳамийси Александр Дягилев бошчилигида уюштирилган ижодий сарфарлар чоғида Ч.Чаплин В.Нижинский билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади. Кейинчалик Чаплин балет рақосининг тақдирини ёритувчи филм суратга олиш мақсадида сценарий яратди.

Айни пайтда Ч.Чаплиннинг сценарийсини ўрганиш ишлари якунланмаган бўлса-да, Голливуд ижодкорлари отни қамчиласмоқда. Ҳозирча бу борада аниқ қарорга келинмаган, бироқ машҳур актёр қаламига мансуб асар экран юзини кўришига шубҳа йўқ.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

Хато қилиб пушаймон бўлганлар кўп. Қусури туфайли хурсанд бўлганлар-чи? Унақалар учрамаса керак, деб ўйланган. Камина хато туфайли пушаймон эмас, хурсанд бўлиб турибди. Ишонмасангиз бир бошдан эшитинг. Шу ўринда ҳаммасига менинг чақонлигим, аниқроғи эпчиллигим ва ишни бошқаларга нисбатан дундириброқ бажаришим сабаб бўлган, десам янглишмайман. Негаки жамияти-

га чиқиб каминанинг столи устини ярақлатиб турган лампочкага ишора қилди ва "Сизнинг хонангизда бор, бизнинг хонада йўқ, нима бўлди чироқчи" дея ҳовлига чиқиб кетди. У ҳали топшириқни курсида ўтирган жойида берган, мен эса эшик тепасидаги радиочададан қабул қилиб олган эдим. Ичимда гап бу ёқда экан деб хатоимни тўғрилашга киришдим. Бошлиқ хонасига қайтиб

УЛФАТИ ЧОР БЎЛАМИЗ

миз ташкил топган кундан бошлаб раисимиз каминанинг юқоридаги фазилатларини назарда тутиб, ўзига ёрдамчи қилиб олган эди.

Дарвоқе, дастлаб жамиятимиз ҳақида икки оғиз. У қисқача МЧЖ дейилади. Тўлиқ айтилса, масъулияти чекланган жамият.



Баъзилар янглишиб масъулияти чекланмаган жамият, деб юришади. Очиги, ишимиз юришиб кетган. Ҳар бир туманда биттадан филиалимиз бор. Энди жамиятимиз раиси Давронов ҳақида ҳам бироз гапирмасам унинг хурматини жойига қўймаган бўламан, яна раис ёрдамчиси деган вазифани оқламаганга чиқаман. Шу сабаб дастлаб унинг барча бошлиқларга хос талабчанлиги, ишга ижобий ёндашишга интилишини эътироф этишим жоиз. Боз устига бизнинг бошлиқ вақтдан унумли фойдаланиш борасида тенги йўқ раҳбар. Фикримнинг исботи сифатида унинг каминига қаратилган, "ўртоқ Умбаров, давр талабига мослашинг", "Имкони борича топшириқни ўз вақтида ва тўлиқ бажаринг!", "Кам, аммо маъноли сўзланг, чунки дунёда вақт деган олтиндан қиммат нарса ни қадрига етиш керак", "Илгари одамлар 5 минут кутасиз дейишган бўлса, энди 1 минут... деб қолган, ҳадемай 1 минут ўрнини 5 секундга бўшатиб беради" каби таъбиҳларини ҳар кун эшитиб тураман. Нафақат эшитаман, уларга амал қиламан. Мисол учун, кечагина у киши вақтини тежаб, лўнда қилиб "чироқчини чақиринг" дедилар. Табиийки, мен шу захоти Чироқчи туманидаги филиалимиз раиси Эшмурод Лапасовга кўнгирак қилиб, "Тезда етиб келинг" дедим. Филал раиси эса "Ака, ҳозир Қаршидан келдим-ку" деди ажабланиб. Сўнгра унга қарата:

— Билмасам, каттанинг топшириги бу, — дедим.

— Яна қайтиб боришинг ўзи бўладими, қанақа топшириқ экан? — деди ёлворгандай оҳангда Лапасов.

— Мен каттадан қандай топширингиз бор деб сўролмаيمان, — дея алоқани уздим.

Шу кез бошлигимиз қабулхона-

келгунча электр тармоқлари идорасига кўнгирак қилиб ваҳимани қалаб ташладим:

— Бизнинг идорада уч кундан бери ток йўқ. Компютер бари ишламай ётибди. Вазирликка зудлик билан ҳисобот беришимиз керак. Тезроқ етиб келинглар. Акс ҳолда устингиздан шикоят қиламиз...

"Дод-вой"им иш берди: бир зумда чироқчилар етиб келишиб Давроновнинг хонасида қуйган лампочкани алмаштириб, каминига эса "Ваҳимачи экансиз, шунга шунчами?" каби "сийлов"ларни ҳада этиб кетишди. Бу сўзлардан пинагим бузилган эмас. Сабаби, қандай қилиб бўлмасин Чироқчи туманига, аниқроғи шу тумандаги филиалимиз бошлиғи Эшмурод Лапасовга кўнгирак қилиб қовун тушириб қўйганимни бекитишим керак. Шундай ҳам бўлди. Хайрият Лапасов йўлга чиқмаган экан. У "Жунадингизми?" деган саволимга "Йўқ, ҳали бензин қидираяпмиз" деганида ўзимни ўнглаб олиб:

— Келмасангиз ҳам бўлади, бу ердаги ҳужжатларингиздан фойдаланиб каттани ўзим кўндирдим, — деб юбордим. Бу гапимдан сўнг Лапасов эриб кетди:

— Э, яшанг, ака. Эрта-индин борганимда "Ота"лардан бирига олиб кириб ҳақ бераман, — деб юборди.

Ана кўндингизми, одамлар хатосидан пушаймон бўлиб, кафт очса, тавба қилса, биз қусури миздан хурсандимиз. Сабаби, Лапасов бироз эрта-индин "ҳақ" беради. Энг муҳими, у ёлғиз келмайди. Бирор қосагул жўраси билан келади. Камина ҳам анойи эмас, мактабдан сўнг отасизлиги сабаб ўқий олмаган, мени ҳар кўрганида "Дўстим, шаҳарда дода тўйхоналар кўпайиб қетган эмиш, бир улфатчилик пайти мени ҳам шерик қилсанг", деб илтижо қиладиган қишлоқдошим Ёдгорбекни чақирман. Бир сўз билан биз "Улфати чор..." бўламиз. "Дода"ларда отамлашамиз. Лекин айтиш керак: чунинг бариси учун каттага раҳмат! Чироқчиларга ҳам.

Қилич НУРМУХАММАД



Саҳнага чиқаш олдидан...

Қамбар ОТА

ТОМЧИДА ЁРҚИН ҚУЁШ



Зум ўтмасдан диллар яйраб, Катта-кичик олди ўраб, Қуйлар роса таъсир этди, Юракларни асир этди.

АНҲОР БЎЙИДА

Нахрипайнинг бўйини Жийда қоплаб ётарди. Ой анҳорда соч ювиб, Ойдаи оқ тонг отарди. Ундай майин тупроқди Ёлғиз сўқмоқ йўл она Ялангоёқ борардик, Диллар яшнарди роса. Қушлар тинмай сайради Юзлаб тилда чоғулаб, Хушмизини зор қилди — Қўяр эди ўғирлаб.

ДИПЛАР ЯЙРАБ

Овозидан тараб роҳат, Тонгда қарнай айлар "ғат-ғат" Узун тортиб деди: сурнай, Даврамизга қўшил бундай.

"ЛОЖУВАРД СОЯ"

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан чоп этилган истеъдодли шоир Фулом Фатҳиддиннинг "Ложувард соя" китобига унинг турли йилларда битган шеърларидан сараланган намуналар, дostonлар ва бир қатор жаҳон шоирлари ижодидан қилingan таржималари киритилган.



Фулом Фатҳиддиннинг илк шеърый тўплами — "Юраётган дарахлар"га (1985) кирган шеърлари ўша пайтдаёқ шеърят муҳлислари эътиборига тушган эди. Ўтган йиллар мобайнида шоирнинг "Хиргойи", "Истақ" номли шеърый китоблари, "Фирдавс боғи" номли тарихий-оммабоп рисоласи чоп этилди. Мазкур нашрлар Ф.Фатҳиддиннинг ўзига хос шoir сифатида адабий жамоатчиликка, кенг китобхонлар доирасига танитди. Дарвоқе, шоирнинг янги "Ложувард соя"

тўпламига ҳам ана шу китоблардан сараланган ва кейинги йилларда ёзган шеърлари, дostonлари ҳамда жаҳон шеърыйи дарёаларидан Хайрият Хайне, Ай Цин, Дзюн Такама, Александр Блок сингари машхур шоирлар ижодидан қилган таржималари киритилган.

Тўплами бошлаб берган илк шеърда шоир ҳазрат Алишер Навоийнинг "Лисон уш-тайр" асаридан иқтибос келтириб ёзди:

Чархнинг айланмоқда, Қодир хуварманд, Мен ҳам нимандир бошламоқчиман... Илҳом бер, жуърятини синиб қолмасин.

"Ағона ҳаками — дилга бўйсуниб", бу оламда интилиб, курашиб яшашни ихтиёр этган шоир лирик қаҳрамонининг бой ички олами, пок тийнати, эзгу туйғулари "Ложувард соя" тўпламидаги асарлар мундарижасига алоҳида салмоқ бағишланган. Буни китобга ёзган "Ошиқ орузи" сарлавлари сўзбошида таниқли олим Иброҳим Гафуров ҳам таъкидлаб ўтади.

Китобга Рустам Бойтўра муҳаррирлик қилган.

Жобир АСҚАРОВ

Узум ўқайман

Жийда ҳди барқ уриб, Димоқларга ёқарди. Анҳор дилдан шарафлаб Қўшиқ куйлаб оқарди. Йиллар ўтди, сен ҳақда Кўндир кўрган тушларим. Юртнинг табиатида Қувнаб яйранг қушларим! Нахрипайнинг бўйида Омон бормисан, жийда? Хушбўй ҳидинг унутмай, Мақтаб юрай ҳар жойда.

ТОЗА ҲАВО

Тўйинган тоза ҳаво, Азиз жонингта даво. Ҳар ютими зўр неъмат, Бағишлар дилга роҳат.

Юрагинг "дик-дик" урар, Ҳаёт гаштини сувар. Олинган тоза нафас, Соғлом умрингта асос.

Доимий ҳамроҳ

Мусаллас таркибида 11-14 фоиз канцерогенили спирт мавжуд. Бирок тадқиқотлар кўрсатишича, полифеноллар бу негатив хусусиятни нейтраллаштиради: қизил мусаллас мўътадил равишда меърида истеъмол қилинганда қизилўнғач, меъда, йўғон ичак, шунингдек, ўпка, простата бези ва тўхумдонда саратон ривожланиши хавфини камайтиради. Қизил мусаллас аёлларда кўрак саратонига чалиниш хавфини ҳам нисбатан камайтирар экан. Спирт асаб тоналарига зарарли таъсир кўрсатади, бироқ қизил мусаллас таркибидаги спирта бундай хусусият йўқ. Бу ўринда ҳам полифенолларнинг таъсири катта.

Томографада ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, қизил мусалласни меърида ичиб юрилганларда бош миё; бош миё томирлари анча ёш, хотира ҳам жойида бўларкан. Яқши тайёрланган қизил мусаллас эркаклар учун кунига 300 грамм, аёллар учун эса 150 грамм мўътадил меърида истеъмол қилиниши мумкин. В.Нужний ўтказилган тажрибаларда аниқланишича, ароқ алкоғолизми ривожлантиришда барча турдаги ичкиликлар (коньяк, виски)дан ошиб тушар экан. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, аънавий йўл билан коньяк, виски, бренди (узум, мева ва резаворлардан тайёрланади), шунингдек, узумдан грапп, чача ва бошқа ичимликлар тайёрлаб ичувчиларга қараганда кимёвий йўл билан олинган тоза спиртадан ароқ тайёрлаб ичувчиларда алкоғолизми жуда кўп учрайди.

— Алкоғолий қанча тоза бўлса шунча зарароқ, деб ўйлаш пўч гап, — дейди В. Нужний. — Узумдан тайёрланган табиий мусалласнинг зарари барча турдаги ичкиликлардан анча кам. Биз профессор Брехман гоёси асосида шундай эксперимент ўтказдик: узум экстрактларини ароққа қўшиб, кўнгили одамларда унинг таъсири синиб кўрдик. Эксперимент қатнашчилари қандай ароқ ичганини билишмасди. Бирок эртанги кунги қарақлиқ тоза ароқ ичганларга нисбатан узум экстракти қўшилган ароқни ичганларда камроқ сезилди. Айни чоғда, узум экстракти камийилгини юрак ва қон томирларга захарли таъсири ҳам камайтирди.

✓ **Пластик идишнинг зарари.** Божжона иттифоқига кирувчи мамлакатлар учун алкоғолий маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича техник қоидалар муҳокама қилинаётганда бир муаммо келиб чиқди. Маълум бўлишича, Россияда пиво маҳсулотларининг 50 фоизи, Белоруссияда эса 80 фоиз пластик идишларга қўйиб сотилаётган экан. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар пластик идишдан воз кечиш алкоғолий баҳосига таъсир этишини айтиб, янги техник регламент қабул қилинишига қарши чиқмоқда. Ҳолбуки, ҳар йили 40 минг россиялик сифатсиз алкоғолий ёки ўткир ичкиликларни суиистеъмол қилиш туфайли ҳаётдан кўз юммоқда.

✓ **Ёзги таътил вақти қанча бўлиши керак?** Ёзги кишилар бир ҳафтанинг ўзи ҳам етарли, деб ўйлашади. Аслида ундай эмас, бир ҳафталик таътилнинг фойдаси кам. Негаки, ҳафтанинг тўрт кун ишдан қалғиш учун сарф бўлади, қолган вақт дам олиш учун етарли эмас. 2-3 ҳафтандан ортиқ дам олганда эса, киши одатдаги иш тартиби, маромидан чиқиб қолади. Физиологларнинг ҳисоб-китобига кўра, одам ҳар уч ойда 10 кун хордиқ чиқаргани маъқул. "Шунда организм зўриқмай ишлайди, — дейди профилактик тиббиёт профессори Р.Цаллогов. — Аслида, энг оптимал дам олиш мuddати ҳар бир кишининг иш мароми интенсивлиги ҳақида асаб тизмини қандайлигидан келиб чиққан ҳолда индивидуал тарзда белгиланиши мақсадга мувофиқ".

✓ **Америкалик олимлар тадқиқот олиб боришиб, шундай хулосага келдилар:** кекса ёшдаги оталарнинг фарзандлари узок умр кўриши билан бошқалардан ажралиб туришаркан. Отанинг ёши қанча катта бўлса, унинг зурриёди теломерлари (ДНК майдони) шунча узун бўлади. Организмининг қартайлиши эса, тўғридан-тўғри теломер узунлигига боғлиқ экан.

— Бундай фикрга келиш учун биргина тадқиқот натижаси камлик қилади, — дейди т.ф.д. В. Корсақ. — Туғилган боланинг соғломлиги, асосан, онанинг ёши ва нечоғли соғломлигига қараб аниқланади, отанининг ёши нечадалиги эса, деярли аҳамиятсиз. Аёллар қирқ ёшдан сўнг неча йил ўтиб хомилдор бўлса, боласининг бирор камчилик билан туғилиши эҳтимоли ҳам шунча ортади.

Интернет хабарларидан.

Азиз газетхон!
Севилян газетангиз — 2012
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2012 йилнинг
иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда.
Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари,
«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг
почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот
тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади.
Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари
орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин.
Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида
обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи
давом этаверади.
Нашр кўрсаткичимиз — 222.

"ГУЛИСТОН"
2012 йил, 3-сон
 Журналнинг ушбу сони аънавий "Манба" рўки билан очилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг "Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эътириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт"и мазмунидаги халқроқ конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидан боблар эълон қилинган. "Нўқтаи назар" рўкида Манзура Шамсининг "Биз масъулиятлигимизми?" мақоласи, "Нигоҳ" рўкида Равшаной Турсунованинг "Тимсол" мақоласи берилган.
 Шунингдек, ушбу сондан тадқиқотчи Камола Нишонваннинг "Таълим тизимида музейларнинг тўтган ўрни", тарих фанлари доктори Рустамбек Шамсидиновнинг "Қаттағоннинг қатта доғлари", Баҳром Ирзаевнинг "Муסיқа — миллат кўзгуси" мақолалари, Назира Одилованнинг "Ҳам соҳибдор, ҳам санъаткорлар оиласи", ёзувчи Нодир Норматовнинг "Сирли жилвалар ошиғи" очерклари жой олган.
 Мамақул Жўраев ва Жавлон Сулаймоновнинг "Бахтли эл — бахтли эл" мақоласида Қодир баҳши Раҳим ўғлининг хотирасига бағишланган тадбир ҳақида ҳикоя қилинса, санъатшунос Аҳмаджон Раҳимовнинг "Тиниб-тинчимас сулола" мақоласи ўзбек миллий циркнинг фидойиларидан Ойдинҳон Тошкенбоева фаолиятига бағишланган.
 Яна журнал саҳифаларида санъатшунос Ҳ.Ниёзованинг "Кино: санъат, сановат..." тадқиқоти, С.Ҳолмирзаеванинг "Йиллар ўтган сайин" ёдномаси, У.Бўтаеванинг "Ибратли умр" йўқлови, профессор М.Ҳолбековнинг "Тошасас Шой", Н.Айнабоеванинг "Соз сеҳргари" мақолалари билан танишасиз.
 Журналнинг ушбу сониде яна адабиёт ва санъатнинг долзарб мавзулари ёритилган, айрим асарлар ва ижодкорлар фаолияти тадқиқ этилган мақолалар, тадқиқотлар босилганки, бу чиқишлар ҳам муштарийларда қизиқиш уйғотиши тайин.
Бахтиёр ЮНУСОВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati
 Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчйлар кўчаси, 32
 Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: uzas@b2c.uz
 Котибият — 233-49-93
 Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Ташриҳнома келган кўйемалар таҳлил этилмайдми ва муаллифларга қайтарилмайдми. Муаллифлар фикри таҳрират нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
 Навбатчи муҳаррир — Гулҳеҳра УМАРОВА
 Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
 Босмаҳона манзили: Буюк Тўроғ кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.28

ЖУМА КУНААРИ ЧИҚАДИ.
 СОТУВДА НАРХИ ЭРҚИН

ISSN 2361-614X

9 772161 614000